Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ, ҲАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

№ 81 (10.077). • 1991 йил 26 апрель • жума • Баҳоси 6 тийин.

КПСС Марказий Комитети билан КПСС Марказий назорат комиссиясининг қўшма Пленуми тўғрисида

АХБОРОТ

1991 йил 24 апрель куни КПСС Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссиясининг қўшма Пленуми иш бошлади. Пленум муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилган:

1. Мамлакатдаги аҳвол ва иқтисодиётни тангликдан чиқариб олиш йўллари тўғрисида.

2. Ташкилий масалалар.

Пленумни КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби М. С. Горбачев кириш нутқи сўзлаб очди.

Пленум ишида КПССнинг сайлаб қўйилган марказий органлари таркибига кирмаган Иттифоқдош жумҳуриятлар Компартиялари Марказий Комитетларининг, жумҳурият, ўлка, вилоят ва округ партия комитетларининг биринчи котиблари, Иттифоқдош жумҳуриятлар Компартиялари Марказий Комитетларининг иккинчи котиблари ва назорат органларининг раислари, ҳарбий округларнинг қўмондонлари, ҳарбий-сиёсий бошқармаларнинг бошлиқлари, КПССдан сайланган СССР халқ депутатлари ва Иттифоқдош жумҳуриятлар Олий Кенгашларидаги коммунистлар фракцияларининг вакиллари қатнашмоқдалар.

Биринчи масала юзасидан КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Бош вазири В. С. Павлов маъруза қилди.

Музокараларда Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби С. И. Гуренко, Қозоғистон ССРдаги «Улбинск металлургия заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитети котибининг ўринбосари П. В. Волков, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби А. А. Малофеев, Волгоград вилоят партия комитетининг биринчи котиби А. М. Анипкин, Москва шаҳар партия комитетининг биринчи котиби Ю. А. Прокофьев сўзга чиқдилар.

25 апрелда КПСС Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссиясининг қўшма Пленуми ўз ишини давом эттирди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БИЛАН МАРКАЗИЙ НАЗОРАТ КОМИССИЯСИНИНГ ҚЎШМА ПЛЕНУМИДА 1991 ЙИЛ 24 АПРЕЛЬ КУНИ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ КОТИБИ М. С. ГОРБАЧЕВнинг КИРИШ НУТҚИ

Мамлакатдаги ва партиядаги ҳозирги сиёсий вазиятга оид энг муҳим фикрларни Пленумга маълум қилиш зарур, деб ҳисоблайман. Биз бениҳоя мураккаб вазиятда йиғилдик. Жамиятдаги муҳит кескинлашиб бормоқда. Партияда ҳам муҳит кескинлашмоқда. Бу ўз-ўзидан рўй бераётгани йўқ. Ҳар тарафдан қаттиқ баёнотлар берилмоқда, олисни кўзловчи, халқнинг ва давлатнинг тақдирига дахл қилувчи сиёсий талаблар ўртага қўйилмоқда.

Ҳозир ҳис-ҳаяжон билан қарорлар қабул этиш иштиёқига берилмаслик жуда муҳимдир. Ҳозир бамайлихотир қуруқ назарий фикр-мулоҳазалар юритадиган пайт эмас, албатта. Давлатимизни вайрон қилиш хавфини туғдирувчи яна бир ўта инқилобий шубҳали ишга мамлакатни дучор этиб ёхуд ўтмишга, бироз бежалган тоталитар тузумга қайтариб, уни ислоҳотлар йўлидан тойдириб юборишга оғиздагина эмас, амалда ҳам уринишлар бўлмоқда. Сўл ва ўнг радикалларнинг режаларида нималар кўзда тутилаётганини изоҳлашнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Бу йўналишларнинг иккаласи ҳам ҳалокатлидир. Аммо улар ўзаро муросасиз душман эканликларига қарамай, энди топишиб олганликлари ҳозирги пайтдаги энг катта хавфдир.

Бир хил шиорларнинг ўзи баб-баравар ўртага ташланаётганига бир қаранг! Бир неча ойдирки, «Демократик Россия» ҳаракатининг экстремистлик кайфиятидаги раҳнамолари оғир иқтисодий аҳволдан меҳнаткашларнинг кўп жиҳатдан ҳаққоний норозилигидан ўзларининг сиёсий мақсадлари йўлида фойдаланиб, меҳнат жамоаларини, халқ депутатлари съездини ва СССР Олий Кенгашини тарқатиб юбориш, Президентни ва Вазирлар Маҳкамасини истеъфога чиқариш талабларини қўйишга ундаб келмоқдалар. Энди РСФСРдаги, бошқа баъзи жумҳуриятлардаги айрим партия комитетлари, шунингдек «Союз» гуруҳидаги баъзи депутатлар ҳам уларнинг шиорларини деярли сўзма-сўз такрорлаб, ўша талаблар билан чиқмоқдалар.

Аммо, келинглар, башарти мазкур талаблар амалга ошса, нима бўлишини сергаклик билан тасаввур қилиб кўрайлик. Қонуний давлат тузилмаларининг вайрон қилиниши муқаррар равишда хатарли ҳокимиятсизликка олиб борган бўлур эди. Ҳозир экстремистлик даъволари билан бир-бирига яқинлашиб бораётган хилма-хил сиёсий кучлар бир-бирлари билан юзма-юз тўқнашиб қоладилар. Конституциявий тартиб, қонуний сайланган ҳокимият органларининг фаолияти ҳозир жамиятда қураштаётган ижтимоий кучлар, партиялар ва ҳаракатлар ўртасига тўсиқ қўймаса, охир-оқибат шундай бўлиб чиқади. Уларнинг ҳаёлий уюшмаси ҳар бир томоннинг давлат ва жамият устидан танҳо ҳукмронлик қилиш муддаосини узоқ вақт яшира олмайди. Муқаррар равишда шафқатсиз, эҳтимол ки оммавий олишув содир бўлади. Бу олишувда ким устун келмасин, демократик тартиб-қоидалар ўрнини навбатдаги бедодлик олади. Соддароқ қилиб айтсак, баъзи кишилар ҳозирги конституциявий режимни талқин этаётганидек, уйдирма диктатура эмас, балки жуда ўтакетган диктатура бўлади. Мамлакатни ислоҳотлар йўли билан, яъни тинч воситалар билан янгилашдек тарихий имконият бой берилади. Бутун мамлакат, халқ миллион-миллион фуқаролар доғда қоладилар.

Мен буларнинг ҳаммасини жуда рўй-рост айтяпман. Ҳозир, айниқса бу ерда партия анжуманимизда бундан бошқача гапириб бўлмайди. Вазиятнинг таҳлилидан ҳар бир соғлом фикрли киши учун чиқадиган хулоса шу: **мавжуд конституциявий тартибни бузишга асло йўл қўйиб бўлмайди.** Ҳозир иқтисодиётда ва сиёсатда ҳақиқатан ҳам ўзгартишларга эҳтиёж катта. Ҳар қандай, шу жумладан энг қатъий ўзгартишларга ҳам фақат конституциявий қонунийлик доирасида эришиш мумкин. Бизда биринчи бор эркин сайланган халқ депутатлари съезди ва СССР Олий Кенгаши бор, жумҳуриятларнинг ваколатли олий ҳокимият органлари бор, ошкоралик бор. Мана шулар доирасида ҳар бир партия ва ҳаракат мазкур демократик муассасалардан ва совет қонунларидан фойдаланиб, ўз мақсадларига эришишга ҳақлидир. Шу жумладан, табиийки, сиёсий раҳбарлик ва ҳокимият учун курашишга ҳақлидир. Пугачевчилик усуллари билан, парламентдан ташқаридаги дўқ-пўписа йўли билан, ҳатто мамлакат иқтисодиётининг кулини кўкка совуриш билан дўқ-пўписа қилиш йўлидаги ҳар қандай уринишлар кескин рад этилиши керак.

Мамлакатдаги демократик жараённи бузишга йўл қўймасликни ва конституциявий тартибни барча қонуний чоралар билан қатъий мустаҳкамлашни биринчи даражали бурч деб биламан. Шундай қилинмаса, иқтисодий тангликни бартараф этишнинг ҳатто энг яхши дастурлари ҳам яхши ниятлигича қолавериши мутлақо равшан. Конституциявий тартибни тиклаш ва мустаҳкамлаш— аввало давлат ҳокимияти барча идораларининг, ҳар бир мансабдор шахснинг бевосита вазифаси, албатта. Аммо бу умуман бутун жамиятнинг, барча чин демократик кучлар, гуруҳлар ва ташкилотларнинг ҳам вазифасидир.

Оғизда эмас, балки амалда ватанпарварлик мавқеида турган барча сиёсий кучлар ва ҳаракатлардан манфаатпарастликни йиғиштириб, ўзаро даъволарни лоақал вақтинча бўлса-да, кечиктиришни, мамлакат қийин пайтни бошдан кечираётган даврда унга қаддини ростлаб олишда ёрдам беришни вазият талаб қилмоқда. Шу ўринда айтишим керакки, кеча менинг 9 Иттифоқдош жумҳурият Президентлари, Олий Кенгашларининг Раислари, ҳукумат раҳбарлари билан учрашувимда шу фикр тушуниб олинганлиги намоён бўлди. Учрашувда қабул этилган баёнот матбуотда эълон қилинди. Агар унда кўзда тутилган чора-тадбирлар изчиллик билан бажарилса — улар сафарилиши учун биз ҳамма ишни қилишимиз керак, бу нарса вазиятнинг ривожида бурилишнинг бошланиши бўлиб қолиши мумкин.

Мунозара ўткир бўлди, бир неча соат давом этди, бироқ вазият умумий манфаатларни кўзлаб, халқ манфаатларини кўзлаб иш тутиш имкониятини беришини келишиб олинган чора-тадбирлар кўрсатиб турибди. Учрашув қатнашчилари мамлакатдаги вазиятнинг нақадар қалтислигини англаб, қўшма баёнотда ҳамма жойда конституциявий тартибни тиклаш, янги Иттифоқ шартномаси ва СССРнинг янги Конституцияси қабул этилгунча амалдаги қонунларга оғишмай риоя этиш жамиятдаги вазиятни барқарорлаштиришнинг зарур шарти эканини таъкидладилар.

Ҳар бир фикр жиддий мунозара натижасида қабул қилинганини айтиб ўтмоқчиман. Шу билан бирга ўтказилган Умуминттифоқ референдумининг якунларини эътиборга олиб янги. Иттифоқ шартномасини тузиш тангликни бартараф этиш учун биринчи галдаги вазифа эканлиги якдиллик билан таъкидланди.

Қўшма баёнотда Иттифоқ идоралари билан жумҳуриятларнинг 1991 йилги иқтисодий битимда мустаҳкамлаб қўйилган мажбуриятлари ва аввало бюджетлар ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларни шакллантириш соҳасида бу мажбуриятларни бажариш зарурлиги таъкидланди. Мамлакат халқ хўжалигидаги вазиятни барқарорлаштириш мақсадида учрашув қатнашчилари саноатнинг базавий тармоқларида, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи корхоналарда, темир йўл транспортида алоҳида иш тартибини жорий қилиш зарурлигини айтдилар.

Меҳнат жамоаларида, жамоатчилик орасида тез-тез ўртага қўйилаётган — мамлакатда фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги масала ҳам муҳокама қилинди. Узоқ давом этган мунозара натижасида конституциявий тартибни мустаҳкамлашни ва бунинг учун зарур чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутиб, қўшма баёнотда ёзиб қўйилган тарзда иш тутиш мақсадга мувофиқ, деган хулосага келдик.

Озиқ-овқат маҳсулотларини кўпроқ етиштириш ва ишлаб чиқариш учун қишлоқ хўжалиги ва умуман деҳқончилик-саноат комплекси корхоналарига ҳар томонлама мадад бериш устивор вазифалар сифатида илгари сурилди.

Бунда бозор муносабатларига ва янги улгуржи нархларни жорий этишга ўтиш шароитида қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги мутаносиб айирбошлашни таъминлайдиган воситани тайёрлаш юзасидан олиб борилаётган ишни Иттифоқ ва жумҳуриятларнинг ҳукуматлари йилнинг шу чорагидаёқ тугаллашлари лозимлиги назарда тутилди.

Жумҳуриятларнинг раҳбарлари халқ истеъмоли молларининг чакана нархларини ўзгартирилгандан кейинги вазиятни таҳлил этиш асосида нарх-наво сиёсатига муайян тузатишлар киритишга оид бир қанча чоратадбирларни амалга оширишни зарур деб ҳисобладилар.

Ҳозирги масъулиятли даврда халқ манфаатлари, мамлакатни тангликдан чиқариб олиш, жамиятдаги демократик ўзгартишларни давом эттириш соҳасидаги амалий иш ҳамма вазифалардан устун қилиб қўйилиши лозимлиги қўшма баёнотда таъкидлаб ўтилган. Учрашув қатнашчилари сиёсий мақсадларга фуқароларнинг итоатсизлигига, иш ташлашларга гиж-гижлаш, давлат ҳокимиятининг қонуний сайланган мавжуд органларини ағдариб ташлашга даъватлар қилиш йўли билан эришиш соҳасидаги уринишлар мақбул эмаслигини айтдилар.

Назаримда бу — ҳозирги вазият тақозоси билан ва ҳаммамизнинг зиммамиздаги масъулиятни англаш туйғуси билан қабул этилган мана шу принципиал амалий ва ижобий баёнотдир. Бу баёнот мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий вазиятни барқарорлаштиришда, жамият ривожидаги қийинчиликларни бартараф этиш соҳасида куч-ғайратларни бирлаштиришда, танглик ҳолатидан тезроқ чиқиб олиш чора-тадбирларини амалга оширишда ўз ролини ўйнайди.

Кучли ижтимоий ҳимояланиш шароитида бозорга ўтишга, ҳуқуқий давлатни шакллантиришга, Иттифоқимизни умумхалқ хоҳиш-иродаси изҳори якунларига мувофиқ ўзгартиришга қаратилган ислоҳотларни бундан буён давом эттириш учун зарур сиёсий муҳит вужудга келтирилмоқда. Буни «Қонунлар уруши»дан чарчаган, узлуксиз қарама-қарши туришдан асабийлашган ва мамлакатнинг кундалик турмушини нормал изга солишдан бошқа нарсани истамаётган жамиятимизнинг жуда кўпчилиги мамнуният билан кутиб олади, деб умид қилиш учун асос бор.

Ҳукуматнинг тангликка қарши сарфлаётган куч-ғайратларини Марказий Комитет Пленуми, бутун партия ҳам қўллаб-қувватлайди, деб умид қилмоқчиман. Бу — тангликдан қутулиш учун ҳам ва айниқса — **партиянинг ўз тақдири учун** ҳам жуда катта аҳамиятга эга бўлган принципиал масаладир.

Буни алоҳида таъкидлаётганимнинг сабаби шуки, баъзи ўртоқларимиз, шу жумладан, Марказий Комитет таркибидаги айрим кишилар ҳам партия XXVIII съездининг қарорларини эсдан чиқариб қўйиб, ошкора гапирмаётган бўлсалар ҳам, ҳар ҳолда бизга бошқа сиёсий йўлни қабул қилдириш пайига тушиб олганлар. Гарчи тегишли барча ҳужжатлар ва Дастурий баёнот қабул этилган бўлса ҳам, бизни яна ўша пайтдаги мунозарага тортмоқчи бўлиб юришибди. Келинглар, рўй-рост гапирайлик, ўртоқлар. Бир қанча партия ташкилотларида ҳукм сураётган кайфиятларни раҳбарият гўё пайкамаяпти, деб ҳисоблаш номуносиб бўлур эди. Бош котибнинг ёки ҳатто Сиёсий бюро барча аъзоларининг истеъфога чиқишини талаб қилаётган парткомларнинг қарорларига эътибор бермасликка ҳам мутлақо ҳаққимиз йўқ. Модомики савол қўйилган экан, унга жавоб берилиши лозим.

Бир қанча баёнотларда мени ва ҳозирги партия ҳамда давлат раҳбариятини оз бўл-

(Давоми иккинчи бетда).

КПСС Марказий Комитети

Сиёсий бюросининг

1991 йил 1 Май

ЧАҚИРИҚЛАРИ

1. Яшасин барча мамлакатлар меҳнаткашларининг халқаро бирдамлик куни — 1 Май!

2. Ватандошлар! Фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлик йўлида бирлашайлик. Мамлакатимизга— Иттифоқ шартномаси, ҳар бир хонадонга — тинчлик!

3. Коммунистлар! Қайта қуришнинг асосий мақсадларига эришиш — самарали иқтисодиётни вужудга келтириш, ҳуқуқий давлатни барпо этиш асосида совет кишиларига муносиб турмушни таъминлаш учун жипслашайлик!

4. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Мамлакатда конституциявий тартибни мустаҳкамлаш учун қатъий курашингиз!

5. Совет Иттифоқи фуқаролари! Кўп миллатли давлатимиз яхлитлигини сақлаб қолишга қаратилган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлайлик!

6. Советлар мамлакатининг ишчилари! Сизнинг уюшқоқлигингиз, сабр-қаноатингиз, самарали меҳнатингиз — долзарб вазифаларни ҳал этишнинг, мамлакатни тангликдан олиб чиқишнинг асосий кафолатларидир! Халқ хўжалиги вайрон бўлишига йўл қўймаймиз!

7. Қишлоқ меҳнаткашлари! Озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш, ҳар бир оиланинг фаровонлиги сизларга боғлиқ! Ер ислоҳотини амалга оширайлик!

8. Фан ва маданият арбоблари! Жамиятни маънавий жиҳатдан қайта тиклаш ва ахлоқий жиҳатдан соғломлаштириш ишида куч-ғайратларни бирлаштирайлик!

9. Совет хотин-қизлари! Умумий хонадонимиздаги тинчлик ва тотувликни, фарзандларимиз фаровонлиги ва бахтини ҳимоя қилайлик!

10. Йигит ва қизлар! Сизлар янгиланган мамлакатимизнинг келажагисиз! Билимларни, касб маҳоратини, сиёсий маданиятни қунт билан эгалланглар!

11. СССР Қуролли Кучларининг жангчилари! Ҳарбий интизомни, ўртоқлик ва байналмилал қардошликни мустаҳкамланглар, социалистик Ватанни ҳимоя қилиш борасидаги ўз конституциявий бурчингизни муносиб бажаринглар!

12. Совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги жасоратига абадий шон-шарафлар бўлсин!

Фидокорона ва тинч меҳнати билан Ватанимиз шуҳратига шуҳрат қўшган фахрийларга таъзим ва ҳурмат!

13. Хорижий мамлакатлардаги коммунистларга, демократия, тинчлик ва социализм учун курашаётган барча кишиларга қардошлик саломи!

14. Яшасин барча халқларнинг ҳамкорлиги, ҳамжиҳатлиги ва тотувлиги!

Жумҳурият Олий Кенгашида

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Фахрийлар ва ногиронлар ишлари комитети 25 апрель куни халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Советларининг фахрийлар ҳамда ногиронлар ишлари масалалари билан шуғулланувчи доимий комиссиялари раҳбарларининг кенгашини ўтказди.

Халқ депутатлари маҳаллий Советлари доимий комиссияларининг бозор иқтисодиётига ўтиш ва чакана нархлар оширилиши шароитида меҳнатга лаёқатсиз фуқароларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш, уларнинг овқатланиши, даволаниши, дам олишини уюштириш борасидаги ишлари тўғрисида жойлардан олинган хабарлар тингланди.

Кенгаш ишида вилоятлар ва Тошкент шаҳри Уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашларининг аъзолари, вазирликлар, идораларнинг вакиллари қатнашдилар.

• Дала ишлари кундалиги

ЧИГИТ УНИБ ЧИҚДИ

ЎРТА ЧИРЧИҚ районидаги Терешкова номли колхоз аъзолари ўтган йили 642 гектар ерга чигит экиб ҳар гектаридан 27,4 центнер ўрнига 33,8 центнердан ҳосил олиб катта ютуқларга эришган эдилар. Бу йил ҳам 642 гектар ерга чигитни барвақт экиб бўлдилар. Мавсум 8 иш кунида тугалланди. Қ. Эргашев бошлиқ иккинчи бригада аъзолари 70 гектар ерга чигит экиб, ундириб олдилар. Иккинчи бригада билан мусобақадош М. Ҳасанов бошлиқ учинчи бригада далаларида ҳам чигит униб чиқди. Пахтакорлар ғўзанинг дастлабки парваришини бошлаб юбордилар.

А. НАБИХЎЖАЕВ, А. ТОЖИЕВ.

ЁҒОЧ ҲАМ ЎЗЛАРИДАН

ЖУМҲУРИЯТИМИЗ президенти фармонига биноан аҳолини томорқа ерлари билан таъминлаш юзасидан катта ишлар амалга оширилмоқда.

Бу иш Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхозда яхши йўлга қўйилган. Ҳар бир оилага 10—16 сотихдан ер ажратилди. Лекин томорқага уй қуриш муаммоси, айниқса, қурилиш материалларининг танқислиги маълум қийинчиликлар туғдирмоқда. Муаммони бир қадар ҳал этиш учун хўжалик деҳқонлари яна бир ҳайрли ишга қўл урдилар.

Колхоз ҳудудига қарашли ташландиқ, озуқа ва бошқа экинлар экиб бўлмайдиган жойларга 113 минг тупга яқин терак, 14,5 минг тўп тол кўчатлари экилди. Бу тадбир нарх-наво ошиб, ёғочнинг бир кубометри 350—400 сўмга етган пайтда деҳқонларга енгиллик яратиши аниқ.

Х. ШАФОАТОВ.

ДАРАХТЛАР ДОРИЛАНМОҚДА

БЎКА районидаги ўсимликларни ҳимоя қилиш идораси ишчи-хизматчилари дарахтларни дорилаш ишларини қизитиб юбордилар. Бу ишда 12 та Т—28 маркали трактор ҳамда 2 та «Белорусь» тракторидан фойдаланиляпти. Айниқса А. Деҳқонбоев, Ш. Тошматов, Н. Мирзаевларнинг хизмати катта бўлаяпти. Улар «Кремль», «Ҳамза», «Кўкорол», «Гулистон» ҳамда «Партия XIX съезди» хўжаликларидаги ҳар бир дарахтни тўлиқ дориланишига эришмоқдалар. Механик Х. Аҳмаджонов ҳар хил техника турларини бошқараётган механизаторларга яқиндан ёрдам бериб, тракторларнинг тўхтаб қолишига йўл қўймаётирлар. Ҳа, кўклам кўркидан, баҳор табиатидан завқланишни, унинг неъматларидан тотишни истаган ҳар қандай одам боғ-роғ қўйнига, кенг далаларга йўл олган. Баҳор фасли — униш, кўкариш, мева тугиш, эл-юрт ризқ-рўзи бўлмиш ҳосилга замин таёрлаш палласида бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас.

Х. РАҲИМОВА.

• *Илмий ғоялар-ҳаётга!*

«ҲУНАРНИ АСРАБОН НЕТКУМДУР...»

Илгарилари бу ерда фақат илм кишилари-ю, уларнинг маърузасини тинглаш иштиёқида бўлганларни кузатиш мумкин эди. Ҳозир эса бу даргоҳга келаётган одамлар тоифаси ҳар хил: ижодкорлар, янги ғоя, фикрни илгари сурган ва уни амалга жорий этиш иштиёқида бўлган кишилар, турли соҳа мутахассислиги эгалари ва бу соҳаларга қизиқувчиларни, қисқаси, турли касб-ҳунар ва ёшдагиларни кўриш мумкин. Сабаби, республика иқтисодий ва илмий-техника тарғиботи уйи иш бошлаб, фаолиятини кенг йўлга қўяётганидир. Тарғибот уйининг номи ҳам унинг олдига қўйган мақсадини англатиб турибди: илм-фан янгиликлари, кашфиётлар, ғоялар, қимматли фикрларни ҳаётга тезроқ тадбиқ этишга ва шу орқали халқ хўжалигимиз, аҳоли унинг самарасидан баҳраманд бўлишига кўмаклашишдир.

— Биз илмий ғоялар, турли ихтироларни амалиётга жорий этишнинг ҳар хил усулларидан фойдаланишга ҳаракат қиляпмиз,— дейди тарғибот уйи директори, химия фанлари номзоди Ҳайрулло Қурбонов.— Шу мақсадда конференциялар, семинарлар уюштирилмоқда. Унда илм кишилари бевосита ишлаб чиқариш корхоналари, манфаатдор ташкилотларнинг вакиллари билан яқиндан мулоқотда бўладилар.

Ўтган йил кўзда биз Тошкентда ташкил этган илмий техника ғоялари ярмаркасини мисол келтириш мумкин. Ярмаркада Ухта геологларининг бир ихтироси кўпчиликка манзур бўлди. Маълумки, газ, нефть тортиб оладиган қувурларга парафин ва бошқа ҳар хил қолдиқ моддалар тиқилиб қолар экан. Қувурлар улардан тозаланмагунча иш юришмайди. Бунинг осон йўлини муаллиф А. А. Ефимкин топган экан. Бу ихтиро ярмаркадан сўнг кенг қўлланиладиган бўлиб катта иқтисодий самара бера бошлади.

Тарғибот уйи фаолиятига назар ташласангиз, улуғ Алишер Навоийнинг «Ҳунарни асрабон неткумдир охир» деган доно гапларига амал қилиш йўли тутилганлигини кўриб мамнун бўласиз. Шу сабабли бу ерда ҳар хил курслар эълон қилинган. Давр тақозоси ҳамда бозор иқтисодиёти талаби билан ташкил этилган менежерлик курсини олайлик. Бу курсни битириб чиқувчилар ҳозир ҳамма йирик ташкилот ва муассасаларга жуда зарур бўлиб қолди.

Янги ташкил этилган косметологлар, массажчилар, логопедлар курсларига ҳам талаб катта бўлмоқда. Олий ўқув юртларига кирувчиларнинг қизиқишларини ҳисобга олиб, турли фанлар бўйича абитуриентлар курслари очилди. Уларда химия, физика, рус тили, биология фанлари бўйича таниқли олимлар, шу соҳанинг билимдонлари машғулотлар олиб боришмоқда. Худди шунингдек, тўқиш, ҳайдовчилик курслари ишқибозлари ҳам кун сайин ортиб бормоқда.

Яқинда бу ерда яна бир хайрли иш бошланди. Соғломлаштириш жамоаси деган ижобий гуруҳ ташкил қилинди. Тўрт кишидан иборат бу жамоага биотерапевт шифокорлар, башоратчи, экстрасенслар жалб қилинган. Ана шу жамоа аъзоси ёш шифокор — биотерапевт Абусаид Мусаев инсон руҳиятига таъсир кўрсатиш йўли билан даволашда маълум ютуқларга эришиб келмоқда. Шифокор экстрасенс Комилжон Бобожонов касалликларни аниқ айтиб бера олади. Жуна Давиташвили мактабини ўтаб келган башоратчи Олмахон Султоновнинг ғайри табиий қобилияти ҳам кўпчиликни қизиқтирмоқда. Унинг ғойибдан кўриш, башорат қилиш, ўтган, бугунги, кейинги бўладиган ҳолатларни айтиб беришига тан бермай илож йўқ.

Араб филологияси мутахассиси, шарқшунос Ҳошимжон Рустамовнинг даволаш усули ҳам ғайри одатийдир. У одамларга қироатли ўқиши билан таъсир этади. Унинг даволаш усулини кузатганлар «ўзбек Кашировскийси» дейиши мумкин. Зотан у инсон руҳига психотерапик усул билан таъсир этади, масофадан туриб, биомайдон орқали даволаш қобилиятига эга. Қисқаси, бу шифокорлар жамоаси халқ орасида кенг тарқалган юрак қон-томир касалликлари, нафас олиш йўллари, ҳусусан зиққинафаслик, ошқозон-ичак, ўт пуфаги яллиғланиши ва ундаги тошлар, сурункали гепатит, йўғон ичак, буйрак-сийдик йўллари касалликлари, бўғим касалликлари, руҳий хасталакларни даволашнинг яқин вақтлргача «ғайриилмий» деган тамға билан таъқиқлаб қўйилган, беписандлик билан муносабатда бўлинган усулларини ишга соладилар.

Бу ёш ижодий жамоа нималарга қодир эканлигини амалиёт кўрсатади. Уларнинг бу ерда — билимлар уйида фаолият кўрсатаётганлиги эътиборга лойиқдир. Чунки бунда уларнинг иқтидори ва ноёб истеъдодини, беморларни даволай олишларини йирик мутахассис олимлар кузатишлари, бу ноёб ҳодисаларни илмий жиҳатдан ўрганиб боришлари имкони бўлади. Халқ катта қизиқиб қараётган ана шу ҳодиса амалиётда муносиб баҳосини олишига имкон туғилади деб ўйлаймиз.

Қизиқувчилар учун соғломлаштириш жамоасининг иш тартиби ва манзилини билдириб ўтамиз. У ҳар куни соат 15 дан 20 гача Маърузачилар уйи (Тошкент шаҳар, Абдулла Қодирий кўчаси, 13-уй)да фаолият кўрсатади.

С. МУСАЕВ.



ТОШКЕНТ шаҳар Киров ноҳияси Абдулла Қодирий маданият уйи қошида «Аруз» фольклор-этнографик дастаси ташкил этилди. Бу дастани ташкил этишда лирик хонанда, А. Қодирий номидаги маданият олийгоҳининг ўқитувчиси Матназар Худойназаров жонбозлик кўрсатди. Маданият уйининг бадиий раҳбари Н. Қурбоновнинг гапларига қараганда бу дастанинг келажаги порлоқ. Чунки, унда ёш, иқтидорли чолғучилар йиғилган.

Сураткаш А. КОНДРАШКИН.



ВОҚЕА ИЗИДАН

АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Илгари хабар берганимиздек, пойтахтдаги Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида хорижий мамлакатларнинг тиббиёт аппаратлари кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда Италия, Олмония, Ҳиндистон, Австрия, Туркия, Швеция, Япония ва бошқа мамлакатларнинг 90 га яқин фирмаси ўз маҳсулотларини намойиш этди.

— Кейинги пайтда Ўзбекистонда хорижий фирмалар билан алоқалар яхши йўлга қўйилди, — деди кўргазма ўтаётган кунлари биз билан суҳбатда Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Б. Умурзоқов,— Шу жумладан, соғлиқни сақлаш борасида ҳам бир мунча ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган йилнинг ўзидаёқ аввалги йилларга нисбатан хориждан замонавий асбоб-ускуналарни харид қилиш уч баробар кўпайди.

Фикримизнинг далили учун Тошкентда бир марта фойдаланиладиган шприц ишлаб чиқарувчи завод ишга туширилди. Швециялик шифокорлар билан йилдан-йилга алоқаларимиз кенг қулоч ёйиб, янада мустаҳкамланиб бормоқда. Бу йил ҳамкорликда плазма ўрнига ишлатиладиган модда ишлаб чиқарувчи корхона қурилиши тўғрисида шартнома тузмоқчимиз. Қисқаси ҳали хорижликлардан кўп нарсани ўрганишимиз керак. Бу замон талаби. Бу борада илк қадамлар қўйилмоқда.

Тиббиёт ускуналари намойиш қилинаётган кунлари биз кўргазмага ташриф буюрдик. Ранг-баранг, етти ухлаб тушингга кирмаган асбоб-ускуналар. Уларни кўриб, ночор тиббиёт ускуналаримиз кўз олдимизга келади.

Олмониянинг «Нибесо» фирмаси ҳам ўз маҳсулотлари билан кўргазмада иштирок этаётган экан. Фирма эгаси жаноб Фридманн Штёкертга ўзимизни қизиқтирган бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.

— Фирмангиз қачон ташкил қилинган?

— Фирмамизга 1971 йил асос солинган. Юрак фаолиятини, қон айланишини яхшиловчи асбоб-ускуналари билан жаҳон бозорига чиқамиз. Совет Иттифоқига илк бор 1973 йили ташриф буюргандик.

— Тошкентгачи?

— Шахсан мен биринчи бор келишим. Ёрдамчим Мартин бир неча бор кўргазмаларимиз билан келган. Бундан 13 йил муқаддам шаҳрингиздаги кардиологик марказга иккита аппарат сотгандик. Врачларингизнинг айтишича, улар ҳозир ҳам бенуқсон ишлаётган экан. Ўзбекистонликлар билан шу йилнинг 19 февралида иккита 16 ўринли замонавий диагноз марказини қуриб бериш тўғрисида шартнома тузганмиз.

Шу куни «Нибесо» фирмаси аъзолари яна бир хайрли ишга қўл уришди. Улар Тошкентдаги болалар шифохоналарига 50 минг дона бир марта фойдаланиладиган шприц бепул совға қилишди.

Жумҳуриятимиз иқтисодиётидаги ўзгаришлар хорижий ишбилармонларга кенг йўл очиб берди. Замонавий диагностика, лаборатория асбобларисиз замонавий тиббиётни тасаввур қилиш ҳам мумкин эмас. Демак, тиббиётимизда янги ўзгаришлар бўлишига умид қилса бўлади.

Даврон АҲМАД.

СУРАТДА: «Нибесо» фирмасининг президенти Ф. Штёкерт (ўнгда) иш устида.

Сурат муаллифники.

ҲАММАГА ЎХШАЙДИ, БИРОҚ...

Ҳозирги пайтда тиббиётдан, шифокорлардан бўлса-бўлмаса нолиш одат гусига кириб қолди. Соғлиқни сақлашнинг моддий базаси ночорлигини қораласак, дўхтирларни ношуд деб ҳақоратлашгача бориб етаётганлар ҳам бор. Лекин менинг ҳикоям одамлар ранжиётган ҳақида эмас, балки жуда оддий, дилкаш, меҳрибон шифокор Михаил Витальевич Штереншис ҳақида. Аниқроғи, «Билим» жамиятининг аъзоси бўлган бу ёш врач билан мулоқотимни эътиборингизга ҳавола этмоқчиман.

— Михаил Витальевич, 1986 йилдан буён сизнинг номингиз шаҳар билимлар уйи афишасидан тушмайди. Бу ҳаммага ҳам насиб этавермайди, албатта. Бундай муваффақиятнинг боисини тушунтириб бера оласизми?

— Бу, аввало, лекциялар мавзуига боғлиқ. Мен асосан кўпчиликни қизиқтирган лекцияларни танлай оламан деб ўйлайман. Мутахассислигим асаб ҳасталикларини даволаш бўлганлиги учун ана шу соҳага яқин мавзуларни кишилар онгига сингдиришга интиламан. Уч йилдан кўпроқ вақтдан буён ўз ҳисҳаяжонини назорат қилиш, унга эркинлик бахш этиш, яъни асаб маромлашувини таъминлаш бўйича аутоген машғулотларини олиб бораман. Айни пайтда «Невропотология ҳамма учун» мавзуида лекциялар курсини ҳам ўқидим. Улар ҳар қандай маълумотли кишилар учун мўлжалланган эди.

Тошкент шаҳрида уйқусизлик, бош оғриғи, умуртқа погонаси зиён топган, асаб ҳасталигига учраган касаллар қанчалик кўплигини билсангиз эди. Боз устига бу дардлар сурункали ҳисобланади. Врачлар ҳамиша ҳам ёрдам бера олади-лар, деб айтиш қийин. Мен эса кишиларга ўзларининг имкониятларидан келиб чиқиб даволанадиган воситалар ҳақида маълумот бердим ва бу билан уларга анчагина кўмаклашдим. Албатта, бунда ихлос ҳам катта роль ўйнайди.

1989 йилнинг охирида А. М. Кашировский даволаш сеансларини намойиш этгач, менда яна бир ғоя пайдо бўлди. Унинг кўрсатувларини магнит лентасига ёзиб олиб, даволаш усулини давом эттиряпман. Уларни ҳозирги пайтда икки ярим мингдан кўпроқ киши кўрди. Ҳамон ана шу кўрсатувлар билимлар уйида давом этмоқда.

— Сиз медицинанинг қайси турига кўпроқ ҳурмат билан қарайсиз, классик тиббиётгами ёки ҳозир гапириш одат бўлиб қолган муқобил медицинагами?

— Медицина институтида мен таҳсил олган олти йил давомида инсон, соғлом одам, шунингдек, дардчил киши ҳақида анча бой маълумотлар беришди. Кимки даволашни кўзда тутган экан, у мустаҳкам назарий заминга ҳам эга бўлиши керак. Экстрасенслар кўпинча ўзларининг билимлари ва малакаларини умумтиббий билимлардан юқори қўядилар. Лекин, ўзингиз ўйлаб кўринг, тиббиёт асосларини билмай туриб, қандай қилиб инсон билими юқори бўлиши мумкин. Мен Н. М. Мажидов, М. М. Асадуллаев каби профессор-невропотологларнинг малакаси ва маҳоратини ҳар қандай экстрасенс қобилиятидан юқори қўяман.


— Сиз касалхоналарда кўп ишладингиз. Шунинг учун ҳам медицинамизнинг ютуқлари ва камчиликлари сизга анча аён бўлса керак?

ШИФОКОРЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

— Бизда медицина жуда яхши погонада, айни пайтда, соғлиқни ташкил этиш эса ёмон аҳволда. Ҳозирги пайтда дори-дармонлар етишмаётган, беморлар коридорларда ётган, жиҳозлар тақчиллиги барҳам топмаётган экан, ё бўлмаса касалхона овқати бемаза, касаллик варақалари турли йўл билан ёзиб берилаётган экан, бунга фақат соғлиқни сақлашни ташкил этиш жараёни айбдордир. Медицинамизнинг бойлиги эса даволаш мумкин бўлган барча ҳасталикларни шифо топтириш имкониятига эга. Даволаб бўлмайдиган касалликларга, ҳатто, АҚШда ҳам даво йўқлиги ўзўзидан маълум.

— Биз «одатдаги» медицина яъни сиз шуғулланиб турган медицинани —укол-лар, таблеткалар, электр ёрдамида даволаш, ванналар қабул қилиш ҳамда силаш тадбирлари амалга ошириладиган санаторийларда шифо топиш деб ҳисоблаб келдик. Биз бунга ўрганиб ҳам қолганмиз. Лекин ҳасталикларни бошқача усул билан даволаш ҳақида ҳам янги гаплар пайдо бўлаяпти. Бунга сиз қандай қарайсиз?

— Асаб касалликлари мутахассиси сифатида шуни айтишим керакки, бод касаллиги, томир тортишуви ва бошқа хасталикларни даволашда халқ тиббиётидан ҳам фойдаланган пайтларим бўлган. Умуртқа погонаси атрофидаги тўқималарга кислород юбориш, уқалаш, нина ёрдамида даволаш ҳамда ширин сўз билан шифо бахш этиш усулларим ҳам йўқ эмас.



— Менимча, остеохондроз ҳасталигида барча врачлар ҳам курак тагига ҳаво юбориш малакасига эга эмаслар, тўғрими?

— Тўғри, лекин ўрганишни ҳеч ким ман этмайди.

... Кўринишдан жуда босиқ, хотиржам, иш қобилияти ниҳоятда юксак бир шифокорга мурожаат қилган бемор кўнглида дарҳол таскинлик пайдо бўлади. Унинг даволаш қобилиятига ишонч ҳосил қилади. Врач лекциялар ўқиш, муолажалар қилишдан ташқари рўзномалар ҳамда журналларга медицина мавзуида мақолалар ҳам ёзиб туради. У «Уй докторининг маслаҳатлари» мавзуида қатор мақолалар эълон қилган. Бу шифокор илмий иш билан ҳам шуғулланмоқда. Диссертация учун танлаган мавзуи ҳам сал ўзгачароқ. У ўтган аср невропотологиясига бағишланган. Ана шу заҳматкаш кишидан:

— Бу ишларнинг ҳаммасига қандай қилиб вақт топасиз? — деб ҳам сўрадик.

— Яхшиси бу ҳақда умр йўлдошим Таня билан суҳбатлаша қолинг, — деди у...

Михаил Витальевич лекция ўқишга чиқар экан, тингловчилар кўринишидан ёш бу лекторга аввалига ажабланиб қарашади. Кейин бу ажабланиш ўрнини қизиқиш, унинг ҳар бир сўзини бажонидил тинглаш туйғуси эгаллайди. Шифокор нутқидаги равонлик, оҳангдорлик беқиёс ишонч уйғотади. У бизни соғлом бўлишга, асаб қувватини бекорга кетгазмасликка, ботиний ҳатти-ҳаракат билан инфаркт ёки инсульт касаллигини чақирмасликка даъват этади.

Уни тингловчилар ҳам, беморлар ҳам, ўқувчилар ҳам ҳурмат қиладилар. Унинг юксак маҳоратига қойил қоладилар.

Ю. ҚОРАБОЕВ.

Меҳр-шафқат, раҳмдиллик, мададга муҳтожларга ёрдам қўлини узатиш халқимизнинг энг ажойиб одатларидан бири.

В. И. Ленин номидаги Болалар жамғармаси Тошкент вилоят бўлими, вилоят хотин-қизлар комитети, маданият бошқармаси, Тошкент вилоят ва шаҳар комсомол комитетлари, халқ таълими бўлимлари ҳам пойтахтдаги «Юбилей» спорт саройида хайрия концертлари ўтказишга қарор қилдилар. Бу концертлар шу йилнинг 26, 27, 28 апрель кунлари соат 16.30 да ва 19.00 да бўлади.

Хайрия мақсадида уюштириладиган томошаларда «Иқбол-91» танловининг биринчи совриндори Эркин Деҳқонбоев, Бутуниттифоқ эстрада артистлари танловининг ғолиби Зуҳра Сафарова, Бутуниттифоқ эстрада артистлари танловининг ғолиби, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ўғилой Муҳамедова, кўрикбеллашувлар совриндорлари Хурсанд Шеров, «Алишер Муллаев, Мирпўлат Мирзоҳидовлар иштирок этиш истагини билдирдилар.

МЕҲР-МУРУВВАТИНГИЗНИ ДАРИҒ ТУТМАНГ

Концертда «Тановар» дастасининг раққосалари ҳиром этади, «Ҳурзиё», «Қотангенс» вокал-чолғу дасталари хизматда бўлади. Шунингдек, истеъдодли хушовоз қизиқчилар, сеҳргарлар, сўз усталари ҳам қатнашадилар.

Ушбу хайрия тадбири давомида лотерея ўтказиш ҳам мўлжалланган. Ютуққа қимматбаҳо буюмлар, уй-рўзғор анжомлари қўйилган.

Хайрия кечасини Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг вакили очиб беради.

Концертни Мамадали Холматов ва Азиз Бобожонов-лар олиб боришади.

Хайрия кечасини режиссёр Муроджон Мирҳамидов, балетмейстер Юлдуз Исматова, режиссёр ёрдамчиси Абдужалил Маметов саҳналаштирмоқда.

Вилоятимиз меҳнаткашлари, тошкентликлар ва пойтахтимиз меҳмонларини «Юбилей» спорт саройидаги хайрия концертларига лутфан таклиф этамиз. Биз хотин-қизлар кенгашлари фаоллари ҳам ушбу хайрия концертини ўтказишга ўз ҳиссаларини қўшадилар деган умиддамиз.

Адолат НОСИРОВА,
вилоят хотин-қизлар комитети раисининг муовини.

Муҳаррир ўринбосари
Р. УМАРОВ.

НОДИР НАШР

КИТОБНИ инсоннинг яқин ҳамроҳи деганларича бор. Шу сабабли қадимдан кўплаб нодир асарлар тўпланг ҳолига келтирилиб, кўп нусҳаларда кўчирилган. Шу тариқа уларнинг қадр-қиммати ортиб, бебаҳо бойликка айланган.

Ўтмиш мутафаккирларининг китобот соҳасидаги бу хайрли ишлари билан «Мовароуннаҳр кутубхоналари (XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV аср охири) тўғрисидаги айрим маълумотлар» деб аталган ноёб китоб орқали ҳам яқиндан танишиш мумкин. Кўплаб тарихий манбалар тўғрисида фикр юритувчи ушбу нашр тарихчи, кутубхонашунос ва ўлкашунос олим А. Кормилицин томонидан Тошкентда босмага тайёрланган эди.

Ўрта Осиё халқлари тарихи ва маданияти ҳақида маълумотлар берувчи мазкур китоб Тошкент давлат дорилфунуни асосий кутубхонаси фондида камёб адабиётлардан бири сифатида сақланиб келмоқда. Библиографик йирик манба ҳисобланган ушбу нашрнинг бир нусҳасини унинг муаллифи яқинда Тошкент маданият олий билимгоҳи кутубхонашунослик кафедрасига лутфан тортиқ қилди.

А. АЛИЕВ.

ИШЧИ-ДЕҲҚОН МУХБИРЛАРИ ДОРИЛФУНУНИ ТАЛАБАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Тошкент ҳақиқати» рўзномаси ҳузуридаги ишчи-деҳқон мухбирлари дорилфунунининг навбатдаги машғулоти — 26 апрель жума куни, соат 17.00 да 7-қават 760-хонада ўтказилади.

• Эълонлар бурчаги •

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
1—2 МАЙ СОАТ 19.00 ДА

КОНЦЕРТ

ҚАТНАШАДИЛАР:
Ўзбекистон ССР халқ артисти
Шерали ЖЎРАЕВ
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:
Элмурод ИСЛОМОВ
ва
Феруза СОЛИҲОВА

Чипталар соат 11.00 дан 19.00 гача сотилмоқда.
Маълумотлар учун телефонлар: 45-92-13, 41-74-30.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
4—5 МАЙ СОАТ 19.00 ДА

КУЛГИ ВА ШОДЛИК КЕЧАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:
«ҚИЗИҚЧИ—90» КЎРИГИНИНГ ҒОЛИБИ
Ҳожибой ТОЖИБОЕВ
ва
АНДИЖОНЛИК ХУШОВОЗ ХОНАНДА
Ҳалим ЖЎРАЕВ

Чипталар соат 11.00 дан 19.00 гача сотилмоқда.
Маълумот учун телефонлар: 45-92-13, 41-74-30.

«Ўзбекконцерт»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
29, 30 АПРЕЛЬ СОАТ 19.30 ДА
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг совриндори
ҒИЁС БОЙТОЕВ
ижросида

КАТТА КОНЦЕРТ

Программани — ЎТКИР СИДДИҚОВ олиб боради.

Чипталар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида сотилади.

МАЪЛУМОТЛАР УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 45-92-13, 41-74-30.

ЭНГ... ЭНГ... ЭНГ...

● Сурия мамлакатининг Дамашқ шаҳри дунёдаги энг қадимий пойтахт саналади. У эрадан аввалги иккинчи минг йилликдан бери муттасил пойтахт шаҳар бўлиб келди.

● Энг кўп сув ичадиган ҳайвон — фил. У 100 литр сувга аранг қонади. Каркидон ва бизонга 40—60, зебра ва отга бир кечаю-кундузда 10—20 литр сув кифоя.

● Илонларнинг энг каттаси анаконда ва териси тўрсимон бўғма илондир. Амазонкада узунлиги 20 ва ҳатто 30 метр келадиган анаконда учрайди, деган шов-шувларни назарга олмасак, умуман, қуруқликда яшайдиган тўрсимон бўғма илонни энг катта илон дейиш мумкин.

● 1960 йил 11 сентябрида АҚШнинг Луизиана ва Техас штатларида рўй берган довул асримизнинг энг кучли, даҳшатли довулларидан ҳисобланади. Шамолнинг тезлиги 225 километрга етган шу довул ва сел натижасида 65 минг нуфусли Галвестон шаҳри деярли вайронага айланди.

● АҚШдаги Огайо дарёсининг ирмоғи бўлган Грин-Ривер ҳавзасида жойлашган ғор дунёдаги энг катта ғор бўлиб, ичидаги йўлнинг умумий узунлиги 240 километрдир.

● Тибет ясси тоғлигида, денгиз сатҳидан 5464 метр баландда жойлашган Хорпа-Цо кўли тоғ кўллари ичида энг баланди ҳисобланади.

● Американинг энг йирик шаҳарларидан бири Чикагода баландлиги 345 метр келадиган 100 қаватли улкан бино бор. Уни қуришга 95 миллион доллар сарфланган.

С. ОДИЛОВА
тайёрлаган.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

РЕСПУБЛИКА ЖАМҒАРМА БАНКИ ПУЛ-БУЮМ ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАРНИНГ ЭГАЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛАДИ.

15-тираждан бошлаб пул-буюм ютуқли омонатлар бўйича янги ҳисоблар очиш ва улар бўйича

ТИРАЖ ЎТКАЗИШ ТЎХТАТИЛДИ

Республика Жамғарма банки пул-буюм ютуқли омонатларнинг эгаларига шу йилнинг 1 майигача бўлган муҳлат ичида, имтиёзли шартларда пул-буюм ютуқли омонатларни муддатли омонатлар сифатида қайта расмийлаштиришни таклиф қилади. Янги шартлар бўйича муддатли омонатлар эгаларининг йилига 5 фоиздан 9 фоизгача даромад олиши таъминланади.

СССР ЖАМҒАРМАЛАР БАНКИНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ.

Тошкент ҳақиқати («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353, масъул котиб ўринбосарлари — 325750, бўлимлар: мафкура, ёшлар ҳаёти ва ахборот — 325778, 325645, 337010, Қишлоқ хўжалиги — 325647; саноат, қурилиш ва транспорт — 325749; маҳаллий Кенгашлар ҳаёти — 325733, ижтимоий масалалар — 325556; маданият — 325767, адабиёт ва санъат — 325553; хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354, жамоатчи кенгаш қабул хонаси — 33-40-48, 325354, эълонлар бўлими —325727.

Буюртма — 5219. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс: 64672. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

ТОШКЕНТ ЗИЛЗИЛАСИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИГА

ДЎСТЛИК ҚУДРАТИНИНГ АМАЛИЙ НАМУНАСИ





БУГУНГИ Тошкент ниҳоятда гўзал ва кўркамдир. Кенг кўчалари-ю гўзал хиёбонлари, уй-жой даҳалари-ю, осмонўпар иморатлари кўп жиҳатдан унинг қиёфасини белгилайди.

Шундай деб ёзасану, уни бундан роппа-роса чорак аср олдинги — худди шу кизи эрталабки аҳволини кўз олдингга келтирганингда қалбинг титраб кетади. 1966 йил 26 апрель тонг отарида юз берган зилзила, унинг аянчли оқибатлари ҳеч биримизнинг ёдимиздан кўтарилмайди.

Ўша вақтда қайси бир хорижий мамлакатдан келган сайёҳ қиёфасини катта бир қишлоққа ўхшатган, лекин шунга қарамай ҳар бир ўзбекнинг ғурури, фахри, йигирма беш асрлик тарих воқеаларининг гувоҳи бўлган, кўҳна ва айни вақтда навқирон Тошкентимиз бошига кутилмаган фалокат тушди. Қандайдир дақиқалар ичида у харобага айланди. Минглаб иморатлари кумпая-кун бўлди. Айниқса, эски, синчу лойдан қурилган уйлар қулади. Бус-бутун қолган бинолар эса кам эди. Улар ҳам анчагина цикастланганди. Чунки шаҳар ўша куни юз берган бундай кучли зилзилага мўлжаллаб қурилмаган эди.

Етти ярим балли деб қайд қилинган, лекин аслида бундан анча кучли бўлган ўша ер қимирлаши оқибатида 36 мингдан ортиқ бино вайрон бўлди ёки шикастланди. Ҳаммаси бўлиб 34,9 мингта уй-жой харобага айланди. Уларда 96,2 минг хонадон бор эди. Бундан ташқари 207 та мактаб, саноат корхоналарининг 240 дан ортиқ бинолари ва иншоотлари, 236 та маъмурий бино, 72 та маданий-оқартув, кўплаб даволаш ва болалар муассасалари, 677 та савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, салкам 300 та аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари яроқсиз ҳолга келди. Бир зумда шаҳар йўқотган уй-жой майдонининг умумий саҳни 2,3 миллион квадрат метрни ташкил этди.

Ўзбек халқи табиатнинг бу кўпол қилиғи олдида якаланиб қолмади. Бутун мамлакат, айрим хорижий давлатлар, барча совет халқлари ёрдам қўлини чўздилар. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети орадан кўп вақт ўтмай «Тошкент шаҳридаги зилзила оқибатларини тугатиш бўйича Ўзбекистон ССРга ёрдам кўрсатишнинг кечиктириб бўлмас чоралари тўғрисида»ги қарорини бутун халқимиз ва пойтахт меҳнаткашлари чуқур миннатдорчилик билан кутиб олдилар. Чунки бу тарихий ҳужжатда зилзила оқибатларини

ҚЎШҚАНОТ БОҒЛАГАН ПОЙТАХТ

тугатишнинг муҳим тадбирларини амалга ошириш назарда тутилган эди. Гўё пойтахт қўшқанот касб этди.

Зилзила бўлиб ўтгандан кейинги дастлабки кунларда аҳолини шикастланган уйлардан кўчириш ва уларни вақтинчалик чодирларга жойлаштиришга алоҳида эътибор берилди. Чунки биринчи зилзиладан сўнг яна қатор ер қимирлашлар содир бўлди. Шунинг учун бу ишни ташкилий равишда тез амалга ошириш лозим эди. Аниқ ҳисобларга кўра биринчи зилзиладан сўнг яна бир ярим йил давомида ер силкиниши давом этди. Содир бўлган 1700 га ер қимирлашидан ўнларчаси анча кучли бўлди. Улар шикастланган уйларни, биноларни бузиб юборди. Лекин тошкентликларни аскарлар чодирларига кўчирилгани, тўғридан-тўғри кўчаларда яшашлари учун зарур шароитлар яратиб берилгани учун бу зилзиланинг бирортасида ҳам кишилар жароҳатланмади.

Саноқли кунлар ичида ҳаммаси бўлиб 15 мингтадан ортиқ чодир ўрнатилди. 7 мингдан ортиқ оила бузилиш олдида турган уйлардан анча мустаҳкам қурилган замонавий мактабларга, олий ўқув юртлари ва техникумларнинг умумий ётоқхоналарига ва бошқа шу каби биноларга кўчирилди. Уйлари шикастланмай қолган тошкентликлар 10 мингдан ортиқ оилага ўз ихтиёрлари билан уйларидан жой бердилар.

Ўзбек халқи бошига катта мусибат тушган шундай бир пайтда қардош жумҳуриятлар халқлари вақтинча кўплаб оилаларни ўз бағриларига олишга рози эканликларини билдирдилар. Шунинг учун ҳам 6,6 минг оила бошқа жумҳуриятларга кўчиб кетди. Ўзбекистон вилоятлари ҳам бу хайрли ишдан четда қолмади. Уларнинг меҳнаткашлари пойтахтлик 8,1 минг оилани уй-жой билан таъминладилар. Истаганларга ер ажратиб бериш кенг кўламда олиб борилди. Қисқа муддат ичида 7 мингга яқин оила якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари олдилар. Уларга уй-жой қуришда ҳар томонлама ёрдам кўрсатилди, қарз берилди.

Зилзила оқибатида шаҳардаги соғлиқни сақлаш муассасалари ҳам қаттиқ шикастланди. Улардаги ўринлар сони деярли 6 мингтага камайди. Тезда бунинг ўрнини тўлдириш керак эди. Шунинг учун соғлиқни сақлаш вазирлигига 12 та иморат ажратиб берилди. Мактаблар, интернатлар, дам олиш уйлари, маъмурий биноларда касалхоналар ташкил этилди. Бу ерда вақтинчалик 3470 ўринли даволаш муассасалари ишлайбошлади.

Зилзила оқибатида чакана савдо ва умумий овқатланиш тармоқлари биноларининг ҳам бир қанчаси фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келиб қолди. Ҳаммаси бўлиб 511 та дўкон ва 166 та ошхона шикастланган эди. Унинг ўрнини тўлдириш учун иттифоқдош жумҳуриятлардан чакана савдо тармоғининг 834 та йиғма корхонаси ва «Шабада» туридаги 108 та умумий овқатланиш корхонаси олинди. Чакана савдо тармоқлари, умумий овқатланиш корхоналари йил охиригача тўла тикланибгина қолмай, уларнинг сони 1965 йилдагидан ҳам ошиб кетди.

Келажак авлод ҳақида алоҳида ғамхўрлик кўрсатилди. Уларнинг дам олишини ташкил этишга катта аҳамият билан қаралди. Шу туфайли ҳам кашшофлар лагерлари ва саломатлик муассасаларида ҳаммаси бўлиб салкам 190 минг бола дам олди. Уларнинг 60 минг нафарга яқини иттифоқдош жумҳуриятларнинг кашшофлар лагерларида бўлдилар. Улар кўплаб ўқувчиларни ўз мактабларида ўқитиш ташаббуси билан ҳам чиқдилар. Шу туфайли ҳам 1800 нафар мактаб талабаси ўқиш учун Москва ва Ленинград шаҳарларидаги интернат-мактабларга юборилди. Жамбул ва Чимкент шаҳарларидаги худди шундай интернат-мактаблар тошкентлик 200 ўқувчини бағрига олди. Фарғона, Андижон, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларидаги шундай муассасаларда 2 минг нафар бола ўз ўқишини давом эттирди.

Биноларни техникавий жиҳатдан текшириш натижасида бошпанасиз қолган аҳолини вақтинча жойлаштириш учун 42,1 минг хонадонни тузатиш, шу жумладан маҳаллий Советлар уйларида 25,7 минг хонадонни, корхоналар ва идораларга қарашли уйларда 10,7 минг хонадонни ва фуқароларга қарашли уйларда 5,7 минг хонадонни тиклаш зарур эди. Бундан ташқари юзлаб маъмурий бинолар, болалар боғчалари ва яслилари, мактаблар, касалхоналар, шифохоналар тўла ва жорий ремонт қилиниши лозим эди.

Шаҳар хўжалигининг барча тармоқларига сарфланган капитал маблағлар ҳажми 2,8 миллиард сўмни ташкил этди. Бу олдинги беш йиллик давомида шу мақсад учун қилинган харажатлардан 2,3 баравар кўп эди.

Уй-жой қурилиши мисли кўрилмаган тез суръатлар билан ривожланди. Бузилган эски, асосан бир қаватли уйлар ўрнида замонавий, шинам 100 мингдан ортиқ хонадонга эга бўлган уйлар барпо этилди. 70 мингдан ортиқ ўқувчига мўлжалланган мактаблар, 27 минг ўринли мактабгача ёшдаги болалар муассасалари фойдаланишга топширилди. Зилзилагача шаҳарнинг уй-жой фонди салкам 6,9 миллион квадрат метр эди. Қисқа муддат ичида у тўла тикланди.

Тўрт йилдан ортиқроқ муддат давомида ҳаммаси бўлиб умумий саҳни 4 миллион квадрат метрдан ортиқроқ уйлар қурилган бўлса, унинг 30 фоизини қардош жумҳуриятлар ва ҳарбий бинокорлар барпо этганлари ташкил этди.

Биргина Москва шаҳри бинокорлари ўз қурилиш материаллари билан 230 минг квадрат метр саҳнли уйларни қуриб бердилар. Ленинградликлар барпо этган турар-жой ҳажми 100 минг квадрат метрни ташкил этди. Россия Федерацияси меҳнаткашлари тошкентликларга 334,8 минг квадрат метр шинам уй-жойларни совға қилдилар. Украиналик қардошларимизнинг ҳиммати ҳам катта бўлди. Улар барпо этган 163,7 минг квадрат метр саҳнли уйларда минглаб тошкентлик оилалар ҳовли тўйлари ўтказишди. Бошқа иттифоқдош жумҳуриятлар ҳам беғараз ёрдам бердилар. Белоруссияликлар 26,6 минг, қозоғистонликлар 28,3 минг, Гуржистон — 22,8 минг, Озарбайжон — 35 минг, Литва — 10,7 минг, Молдова — 6,7 минг, Латвия — 8,9 минг, Қирғизистон — 11,5 минг, Тожикистон — 8,0 минг, Арманистон — 15,3 минг, Туркманистон — 9 минг, Эстония — 5,6 минг квадрат метр саҳнли уйлар қуриб беришди. Ҳарбий бинокорлар барпо этган уй-жойлар ҳажми 170 минг квадрат метрни ташкил этди. Бундан ташқари қардошларимиз 18,2 минг ўқувчига мўлжалланган мактаблар, деярли 9 минг ўринли болалар боғча ва яслилари, кўплаб бошқа маданий-маиший ва коммунал хизмат кўрсатувчи иморатларни қурдилар.

«Тошкент оқшоми» рўзномаси жамоаси зилзиланинг 25 йиллиги кунида қардош халқларнинг беғараз дўстона ёрдамини эсга олиш ташаббуси билан чиққан эди. Уни шаҳар раҳбар ташкилотлари маъқулладилар. Шу санани нишонлаш учун иттифоқдош жумҳуриятлар бинокорлари вакиллари келишди. Бугун уларга яна бир бор миннатдорчилигимизни изҳор қиламиз.

Ҳа, Тошкент зилзиласи оқибатларнинг қисқа муддатларда тугаши ва пойтахтимизнинг бундан чорак аср олдинги қиёфасига нисбатан юз чандон гўзал бўлиб қад кўтариши халқларимиз дўстлиги қудрати мевасидир. Шунинг учун ҳам бугунги кунда уларнинг беғараз ёрдамларини катта миннатдорчилик билан қайд қилаётган ўзбек халқи халқлар дўстлигига содиқ қолмоқда. Уни ҳар томонлама мустаҳкамлаш учун курашмоқда. Ҳозирги рутубатли кунларда ҳам бу дўстлик ҳар қандай қийинчиликларни бартараф этишга ёрдам берувчи ягона куч эканлигига қатъий ишонмоқда.

М. МИРҲАМИДОВ.







● **ТОШКЕНТНИНГ бугуни ва зилзила кунларидаги кўринишлари.**

Суратқашлар Т. КАРИМОВ, С. МАҲКАМОВ ва Р. АЛЬБЕКОВЛАР.

1966 ЙИЛ: «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» САҲИФАЛАРИДА

● **ТОШКЕНТ, 26 апрель. «Тошкент» марказий сейсмик станциясидан хабар қилишларича, бугун бу ерда маҳаллий вақт билан соат 5 дан 23 минут ўтганда рўй берган зилзиланинг манбаи шаҳар остида 5—10 километр чуқурликда бўлган. Мутахассисларнинг фикрича ер қобиғининг Қаржантов синиғи деб аталувчи синиқ бўйлаб силжиши сабаб бўлган... (27 апрель).**

● **...27 апрель куниёқ 500 дан ортиқ оила янги уйга кўчиб кирди. Тошкентга дастлабки 2,5 мингта палатка келтирилиб тарқатилди... (29 апрель).**

● **ХАБАРОВСК, 4 май. Бугун Уссурия тайгасига жойлашган Мухенск ёғоч комбинати ва Бикинск ёғоч заводининг шох йўлларидан ёғоч материаллари ортилган вагонлар узоқ сафарга жўнади. Бу материаллар зилзиладан жароҳатланган Тошкент аҳолиси учун юборилди... (5 май).**

● **5 МАЙ куни республикамиз пойтахти Тошкентга Волгоград ва Саратов шаҳарларидан 48 инженер-техник бинокор келди...**

● **«Тошкентга». Бу сўз темирйўлчиларнинг пароли бўлиб қолди. Улар шу сўзни эшитганларида Ўзбекистон пойтахтига юк олиб келаётган поездга «яшил йўл» очиб беришмоқда...**

● **— Ҳозирнинг ўзидаёқ Уралдан металл, Донбассдан ойна, Москвадан механизмлар етиб келди. Эрта-индин Минскдан автомашиналар келиб қолади... (7 май).**

● **ЎЗБЕКИСТОНДАГИ 16 шаҳар ва икки қишлоқ райони зилзила вақтида бошпанасиз қолган тошкентликларга шинам уй-жой ва ихтисосларига кўра иш беришга тайёр эканлигини билдирди. Улар 1650 оила учун янги квартиралар ажратиб қўйганлар... (8 май).**

● **ТОШКЕНТЛИКЛАРНИНГ табиий офат вақтида бошпанасиз қолган 2188 оиласи янги квартираларга ўтди. 1083 оила махсус ажратиб берилган жамоат биноларига кўчирилди. 1367 оила катта квартираларда ўзи қилиб жойлаштирилди. Ҳозирги пайтда вақтинча ясалган чодир шаҳарчаларида 12 минг 370 оила яшамоқда....**

● **ҚАДРДОН тошкентликлар, севимли Тошкентимизнинг равнақ топиши учун 129 сўм миқдоридаги бир ойлик маошимни сизга ёрдам учун юбораётирман...**

● **«ТОШКЕНТ ФОНДИ» номи билан машҳур бўлиб қолган банкдаги 170064-счётга ихтиёрий суратда тўпланган 5 миллион сўм пул тушди... (4 июнь).**

ИШБИЛАРМОН КИШИЛАР



ЧЎПОН БЎЛИШ ОСОН ЭМАС

ҚУЙ йили чўпондаримиз учун ҳам саховатли, хайрли, баракали йил бўлмоқда. Буни шундан ҳам билса бўладики, вилоятимиздаги аксарият хўжаликларда қўзилатиш мавсуми муваффақиятли якунланди. Қир-адирлар, яйловларда ўт-ўланлар гуркираб ўсди. Демак, келгусида чўпонлар иши янада яхши, меҳнатлари самарали бўлади. Бироқ, ҳар қандай ишнинг муваффақияти одамларга, кадрларга боғлиқ. Ўз касбига ихлос қўйган, ишбилармон кишилар кўпчиликка бошқош бўлган ерда муваффақиятлар ҳам кўпаяверади. Буни Чиноз районидаги Жамбул номли қўйчиликка ихтисослашган совхозининг Пўлат Магзумов бошлиқ бўлим жамоаси мисолида ҳам кўриш мумкин...

— Бизга сиз бошқараётган бўлим донмо пешқадам бўлиб келаётганлигини айтишди. Бунга қандай қилиб эришмоқдасиз?

— Аввало, шуни айтишим керакки, чўпонлик менга ота касб. Ёшлигимдан отамга ёрдамчи чўпон бўлиб шогирд тушганман. Болам, деб тайинлар эдилар доим отам. Чўпон бўлиш осон эмас. Ҳамиша аниқ мақсадни кўзлаб, поклик билан, ҳалоллик билан ишлашга одатлан. Бу касб ғирромликни, алдам-қалдамни ёқтирмайди. Сен ҳали ёш сан, умидим катта. Ўсасан, ўқийсан, улғаясан. Бунга ишончим комил. Эҳтимол мен қилолмаган ишларни сен қиларсан. Бир нарсани сира унутма. Ҳамиша халқ ичида бўл, халқ билан бирга юр, халқ билан бирга нафас ол. Ана шунда ҳурматинг ортиб боради. Шу ўгитларга бекаму-кўст амал қилишга ҳаракат қилдим. Кўп ўтмай мустақил чўпонлик қила бошладим. Мени совхоз касаба уюшмаси қўмитасига раис қилиб сайлашди. Ўшанда яна отамнинг гаплари бир карра ёдимга тушди. Бу вазифада ишлар эканман, яна ҳам халққа яқинроқ бўлишга, уларнинг дарди-ҳасратини билишга ҳаракат қилдим. 1985 йилда эса совхознинг қолоқ бўлиб келган бўлимига бошлиқ қилиб тайинлашди.

— Ишни нимадан бошладингиз?

— Жамоадаги чўпон-чўлиқларнинг туриш-турмуши, ҳаёти билан қизиқдим. Уларнинг ўзлари менга нима қилишимни айтиб беришди. Қўйларимиз аралаш-қуралаш бўлиб, зоти айниб кетаяпти, деб очиқойдин айтишди. Шунинг учун қўйларнинг зотини яхшилаш, саралаб олишга астойдил киришдик. Ўзингизга маълум, чўлда ўт-ўланга ишониб бўлмайди. Бир йили ҳаво намгарчилик бўлса, иккинчи йили қуруқ келади. Шуни ҳисобга олиб, ҳамма имкониятни ишга солиб, уч-тўрт йилга етадиган хашак жамғаришни қатъий одат тусига киритдик. Қўраларни, қўтонларни тузатдик. Чунки, айрим йиллари чўлда 30—35 даражагача совуқ бўлади. Бундай пайтда, айниқса, совлиқларни усти берк — пана, иссиқ ерда емлаб боқмасангиз доғда қолишингиз мумкин. Биз бундай бўлишига йўл қўймадик. Шу тариқа ишларимиз ривож топиб кетди. Бу йилги натижа ҳам ёмон бўлмади. Қўйларни қишдан соғлом, бесалафот олиб чиқдик. Отарларимизда 3 мингдан ортиқ совлиқ бор, ҳар юз бош совлиқдан 92 бошдан қўзи олинди. Чунки, совлиқлар қишдан тўқ чиқди. Мана бу йил баҳор яхши келди. Ҳозир ҳам 1000 тоннадан ортиқ хашагимиз ортиб қолди.

— Илғор чўпонлар, шогирдларингиз ҳақида гапириб берсангиз?

— Ҳаммаси ҳам барака топишсин, уларнинг. Айниқса, Пўлат Мусеров, Қулёт Маъзумов, Турсунбой Доулентеков сингари чўпонларимиздан ниҳоятда мамнунмиз. Улар ҳар юз бош совлиқдан 100—111 тага етказиб соғлом қўзи олишди.

— Шогирдларингизга кўпинча нимани тайинлайсиз?

— Қишнинг чилласидан, ёзнинг жазирамасидан қўйларни соғ-саломат олиб чиқишни.

— Қани бизга ҳам гапириб берингчи?

— Қишда қўйларнинг совуқ сув ичиб қўйишига сира йўл қўймаслик керак. Ўпкаси дарҳол шамоллайди. Бундай қўй баҳор чиқиши билан нобуд бўлади. Ёзда қўйлар муздек сув ичсагина чанқови, меҳри қонади. Еган овқати яхши ҳазм бўлади, соғлом юради. Айрим чўпонларга ўхшаб нима қилибди, сув бўлса бўлибди-да, деб, цистернадаги илиқ сувни ичириб қўйсангиз, бундай қўй лохас бўлиб, касалликка чалиниб қолиши ҳеч гап эмас. Чўпонликнинг бир қарашда арзимасдек туюладиган бундай икир-чикирлари кўп. Улардан ёш чўпонларни ҳамиша воқиф қилиб туриш керак.

— Ҳозир қандай юмушлар амалга оширилмоқда?

— Айни пайтда отарларимизда 10124 бош қўй-қўзи бор. Жун қирқиш мавсумини бошлаб юбордик. Қўй соғлом бўлгач, жуни ҳам баракали бўлади. Албатта жун топшириш режасини оширib бажарамиз. Бундан ташқари 1991 йилда гўшт сотиш режасини ҳам зиёдаси билан адо этиб, халқимизнинг бу танқис маҳсулотга бўлган эҳтиёжини озми-кўпми қондиришга ҳиссамизни қўшиш ниятида астойдил ҳаракат қилмоқдамиз.

Н. РИХСИЕВ.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

● МАМЛАКАТЛАР ● ОДАМЛАР ● ВОҚЕАЛАР ●

МУВАФФАҚИЯТ ҲАРАКАТГА БОҒЛИҚ

● **ЖАНУБИЙ Корея Президенти Ро Дэ У вазирлар маҳкамаси мажлисида сўзга чиқиб, яқинда Чежудо оролида СССР Президенти М. С. Горбачев билан олиб борилган музокаралар хусусида гапирди. АП ахборот агентлиги Президент ёрдамчилари гапларига таяниб, қуйидаги хабарни тарқатди: вазирлар маҳкамаси 90-йилларда Совет Иттифоқи билан бўладиган умумий савдо-сотиқ ҳажмини 10 миллиард долларга етказиш учун тегишли чора-тадбирларни зудлик билан кўриши керак, деди Президент. Шунингдек, Рэ Дэ У Сахалин ҳамда Сибирь ерларидаги нефть ва газ бойликларини қайта ишлаш учун Совет томони билан маслаҳатлашмоқ лозим, деб таъкидлади. Ташқи ишлар вазири Ли Сан Ок эса ҳукумат Президент кўрсатмасига биноан СССР билан савдо-сотиқ алоқаларини ривожлантириш бўйича аниқ тадбирларни ишлаб чиқишга киришди, деди.**

КОСТА-РИКАДА ЗИЛЗИЛА

● **ЎТГАН душанба куни Коста-Рикада маҳаллий вақт билан соат 16 да кучли зилзила қайд этилди. Унинг кучи Рихтер жадвали бўйича 7 баллга етди. Мамлакат миллий университети сейсмик ҳамда вулқон обсерваторияси маълумотларига қараганда, зилзиланинг маркази Атлантика денгизи соҳилидаги Лимон порти ҳудудида бўлиб, мазкур шаҳардан 40 километр узоқликда деб белгиланди. Коста-Рика пойтахтидан келаётган хабарларга қараганда, зилзила натижасида одамлар ҳалок бўлган. Мамлакатнинг кўпгина ҳудудларида катта бинолар вайрон этилган. Лимон шаҳридаги нефтни қайта ишлаш заводи ишдан чиқди. Коста-Рика билан чегарадош Панама ноҳиялари ҳам мазкур зилзиладан зарар кўрди.**

СЎНГГИ РАКЕТАЛАР ТУГАТИЛМОҚДА

● **СССР ҳамда АҚШ ўртасидаги шартномага биноан ўртача ва кичик масофага учириладиган Америка қанотли ракеталарининг сўнгги гуруҳини йўқ қилиш режалари яқинда амалга оширилади. Шу йил 1 май куни Аризона штатидаги Дэвис-Монтан ҳарбий-ҳаво базасида шундай ракеталарнинг сўнгги гуруҳи йўқ қилинади. Бу ҳақда АҚШ мудофаа вазирлиги хабар берди. Шунингдек, Техас штатидаги Лонгхорн деган жойда «Першинг» ракеталарининг энг сўнггилари портлатиб юборилади.**

ВАЪДАЛАРГА ИШОНСА БЎЛАРМИКИН?

● **ЎТГАН душанба куни Бағдод шаҳрида қурд оппозициячилари билан Ироқ маъмурлари ўртасида ҳарбий тўқнашувни тўхтатиш бўйича музокаралар бўлиб ўтди. Дамашқ радиосининг хабарига қараганда, Саддам Хусайн қурдларга мухторият беришга ваъда қилди. Киркук шаҳри ҳам мўлжалланаётган мухтор минтақа таркибига киради, деган гаплар айтилди. Қурдистон Ватанпарварлик Иттифоқи вакиллари ваъдалар амалга ошмагунча, мазкур баёнот ҳақида гапирмасликни афзал кўрмоқдалар.**

ЯНГИЛИКЛАР ТУЛКИНИДА

● **ЖАНУБИЙ Африка жумҳурияти президенти Фредерик де Клеркнинг сўнгги ойларда юргизаётган сиёсати мазкур мамлакатда истиқомат қилаётган оқ танлиларга нисбатан қора танлилар ўртасида тобора кўпроқ обрў орттирмоқда. Умумхалқ сўровини ўтказган «Раппорт» ҳафтаномаси сўров натижаларига таяниб, юқоридаги хулосани чиқарди.**

● **БАНГЛАДЕШ пойтахти чеккасида катта фожиа юз берди. Одамлар лиқ тўла фуқаролар автобуси Дакка-Арича йўлидан келаётиб, кўприкдан қуриб қолган каналга ағдарилиб тушди. Натижада 57 киши ҳалок бўлди, юздан ортиқ одам жароҳатланди.**

● **ЯПОНИЯДА маҳаллий органларга ўтказилган сайловларнинг навбатдаги босқичи ниҳоясига етди. Натижада, энг йирик 85 шаҳарда ҳокимлар сайланди. Энг қизиғи шундаки, Асия шаҳрида Япониянинг бутун тарихи давомида биринчи марта аёл киши шаҳар ҳокимаси бўлди. Унинг исми Харуэ Китамура бўлиб, касби адлия ходимасидир.**

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БИЛАН МАРКАЗИЙ НАЗОРАТ КОМИССИЯСИНИНГ ҚЎШМА ПЛЕНУМИДА 1991 ЙИЛ 24 АПРЕЛЬ КУНИ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ КОТИБИ М. С. ГОРБАЧЕВнинг КИРИШ НУТҚИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

маса халққа қарши сиёсат ўтказишда айбламоқдалар. Мана шу ирвогарона гаплар пасткаш нашрлардагина эмас, Компартияларнинг баъзи матбуот органларида ҳам тарқатилмоқда. Бундай баёнотларнинг нақадар асоссизлиги ва масъулиятсизлигини кўрсатиш учун далил-исботларни баён этишга ҳозир менда имконият йўқ. Аммо қисқача бўлса ҳам асосий гапни эслатмай ўта олмайман.

Аввало, тоталитар режимнинг узоқ давом этган ҳукмронлиги натижасида мамлакатимиз технология жиҳатидангина эмас, кейинги йилларда биз мутлақо инқирозга юз тутган ижтимоий соҳада ҳам тарихий тараққиётнинг чеккасида қолиш хавфига яқинлашиб қолганини ҳеч ким инкор қила олмайди. Тоталитаризм халқнинг ижодий кучларини бўғиб келди. Бу кишанларни улоқтириб ташлаш керак эди. Қайта қуриш айни шундай қилди. Мамлакат кўп ўн йиллар давомида биринчи марта яна эрк олиб, ҳамманинг баданига сингиб кетган қўрқув ва бўғиқликдан халос бўлганлигининг ўзи, халқ эса ўз тақдирини ҳал этишда қатнашиш имкониятини олганлиги — буни мамлакат тарихидаги биринчи умумдавлат референдуми ҳам тасдиқлади, — қайта қуришнинг тарихий заруратлигидан дарак беради.

Дарҳақиқат, ислоҳотлар қийинчилик билан борди.

Ҳа, биз бир талай хатоларга йўл қўйдик, ҳаммасини олдиндан фаҳмлай олмадик. Ҳа, жуда ўткир сиёсий кураш авж олиб кетди. Аммо буларнинг ҳаммаси — вазиятнинг бутун мураккаблигини холисона, ҳаққоний таҳлил қилиш асосида жипслашиш ва қатъий ҳаракат қилиш учун негиздир. Ҳозир Марказий Комитетга тинимсиз келиб турган резолюциялар, қарорлар, мурожаатномалар, хатларда мен икки оқимни жуда аниқ кўриб турибман. Бир оқимда қайта қуриш туфайли бошланган ишни ўнглаш, тузатиш, мустаҳкамлаш ва давом эттиришга астойдил интилиш сезилиб турса, бошқасида бутун қайта қуриш сиёсатини обрўсизлантиришга, уни бошдан-оёқ муваффақиятсизлик ва боши берк кўча деб эълон қилишга, шу тариқа, аслида жамиятни чуқур ислоҳ қилиш йўлига барҳам беришга интилиш муддаоси сезилиб турибди. Масала, аслида, мана шундан иборат.

Партиялилар оммаси орасидаги кўп кишилар ҳозир саросимага, баъзилари эса умидсизликка, айрим партия раҳбарлари эса ҳатто, жазавага тушиб қолдилар, албатта. Бу вазият В. И. Ленин партия билан мамлакатни Янги иқтисодий сиёсат сари кескин бурib юборган даврда партияда вужудга келган ижтимоий-руҳий муҳитни эслатади. Эсингизда бўлса, ўша пайтда бир талай большевиклар норозилик белгиси сифатида партиядан чиққан эдилар. Ҳозирги кунни Янги иқтисодий сиёсат сари кескин бурилиш қилинган Ленин даврига ўхшатиш учун руҳий асосгина эмас, шу билан бирга чуқур ижтимоий-иқтисодий, сиёсий асослар ҳам бор. Ўша пайтда Ленинни Октябрь ишидан, ишчи ва деҳқонларнинг манфаатларидан чекинди, социализм қоидаларидан орқага қайтди, деб айблаган эдилар. Партия тарихини яхши биладиган кишилар буни эслайдилар. Булар мен бу ерда тилга олаётган энг юмшоқ иборалардир.

Афсуски, ўша пайтда Ленининнинг социализм ҳақидаги янги нуқтаи назарини, унга янгича ёндашиш ҳақидаги ғояларини амалга оширишга муваффақ бўлинмади. Бетоб Ленин теварагидаги сиёсий фитналар, уни гўё яхши баҳоналар билан партия ва давлат қурилишига раҳбарликдан четлаштириш йўлидаги уринишлар устун бўлиб чиққан эди. Пировард натижада партияда ва мамлакатда Сталиннинг диктатураси қарор топди, унинг оқибатлари қандай бўлганлиги ҳаммага маълум.

Биз мамлакатнинг ҳозирги куни ва келажагини ўйлаб Янги иқтисодий сиёсат қандай қилиб ва қайси кучларнинг таъсири остида тўхтатиб қўйилганини, миллий сиёсат бузилганини, ленинизмга садоқат, уни турлитуман оғишлардан ҳимоя қилиш тўғрисидаги дабдабали қасамлар остида Ленин таълимотининг жон-тани қандай барбод этилганини айниқса ёдда тутишимиз керак. Сиёсий хотирасизлик учун ҳаддан ташқари катта товон тўлашга тўғри келди. Бугун яна бир бор товон тўлаш эса жамиятимизни муқаррар равишда инқирозга олиб боришни билдирган бўлур эди. Хуллас, келинглар, эҳтиросларнинг бизнинг Пленумимизни сиёсий соғлом фикр мавқеидан тойдириб юбормаслиги учун бирга-ликда ҳаракат қилайлик.

Мана шуларнинг ҳаммасини шунинг учун ҳам эслатиб ўтяпманки, ҳозир биз бошлаган бурилиш 20-йиллардаги бурилишдан жўн эмас.

Ҳозир Лениннинг даъватини — албатта, янгиланган тарзда, янги кескин бурилиш даврида такрорлаш ўринлидир. Коммунистлар ҳуқуқий давлатни ва бозорни ташкил этишни ўрганишлари керак. Дарвоқе, Ленин савдо қилишни ўрганишга қандай даъват этганини эсга олинг. Ишбилармонликка кўмаклашайлик ва айни вақтда меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини қаттиқ туриб ҳимоя қилайлик. Мулкни давлат ва монополия ихтиёридан чиқариб, уни бирон-бир тарзда меҳнат жамоаларига топширишга ҳаракат қилайлик. Жумҳуриятларнинг мустақиллиги ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш учун курашайлик. Курашиш билан бирга Иттифоқ давлатимизнинг бутунлигини қатъият билан ҳимоя қилайлик.

Мураккабми? Қийинми? Хатарли! —Ҳа! Ҳатто ҳаддан ташқари мураккаб дейиш мумкин. Демократия, ошкоралик, кўп партиялилик шароитида ишлаш мамлакатни мажбур қилиш усуллари билан идора қилишдан кўра минг карра қийинроқ. Бироқ бундан бошқа йўл йўқ.

Раҳбарият шаънига ва аввало Марказий Комитетнинг Бош котиби сифатида менинг шаънимга айтилаётган айбловларга қайтаман. Ташкилий масалани ҳал этиш учун фавқулодда съезд чақириш тўғрисидаги талаблар ҳали ҳам эшитилиб турибди. Ҳозирги вазиятда партия ва давлат раҳбари лавозимларини бирга қўшиш қанчалик мақсадга мувофиқлигини биз кўп марталаб муҳокама қилдик. Мен бу хусусдаги ўз фикримни ўзгартирганим йўқ. Раҳбарлик курсисига қандайдир шахсий мулоҳазалар билан асло ёпишиб олган эмасман. Гап менда эмас. Бу лавозимларда ким бўлмасин, ҳозир уларни бирга қўшиш мутлақо ҳаётий заруратдир.

Бутун масъулият билан шундай демоқчиман: кимдаким ислоҳотлардан бирон-бир тарзда воз кечадиган бўлса, аслида, жаҳолатпарастлик мавқеига ўтиб олади, оммадан узил-кесил ажралиб қолиш хавфи вужудга келади, кўпгина вазиятлар сабабли ҳозир оммани партияга ишончи заифлашиб қолди. Бундай қилиш «сўл» ва ўнг экстремистлар учун энг яхши совға бўлур эди, ҳақиқатда уларга ҳамма имкониятларни очиб берган бўлур эди. Дарвоқе, бу соҳада ҳам бир-бирига зид томонлар ҳайратомуз тарзда яқинлашиб қолмоқдалар: соҳта демократлар КПСС устидан суд ўтказишни ва уни тақиқлаб қўйишни талаб қилмоқдалар, баъзи партия фаоллари эса душманлар ва хоинларни партия раҳбарлари орасидан изламоқдалар.

Халқ орасида яшаб ишлаётган КПСС аъзоларининг аксарияти гуруҳбозликнинг яна бир юқумли иллати нақадар хавфли эканини тушуниб турганликларига аминман. Афсуски, бу иллат партия кадрларининг бир қисмига юққанини тан олмоқ керак. Сергак фикрловчи жиддий кишилар партияни ислоҳотлар йўлидан оздиришга йўл қўймайдилар. Уни пешқадам сиёсий куч тариқасида қайта тиклаш имконияти шундан иборатки, танлаб олинган йўлдан бориб, жамиятимизни янгилашга ҳар томонлама кўмаклашиш керак. Агар шу йўл ғолиб келса, халқ яна партияни қўллаб-қувватлайди ва шунда у ҳар қандай сиёсий душмандан чўчимайдиган бўлади. Мен мана шу демократик оқим, халқ оқими билан охиригача боришга тайёрман.

Кўп кишилар партия дастури тезроқ қабул этилишини қистамоқдалар. Шу ҳақда қисқача гапириб ўтмоқчиман. Партия дастурининг лойиҳасини тайёрлаш иши давом этмоқда. Менинг фикримча, уни КПСС Уставида кўзда тутилган Бутуниттифоқ партия конференциясида, эҳтимол, шу йилнинг охирларида кўриб чиқиш мумкин бўлур эди. Эҳтимолки, бундан эртароқ ҳам мумкин бўлар. Ҳа, конференцияда, масалан, партия Уставига ўзгартишлар билан боғлиқ бўлган баъзи бир етук ташкилий масалаларни, агар зарур бўлса, кадрларга оид масалаларни ҳам ҳал қилиш мумкин бўлур эди.

Ҳозирги ҳаддан ташқари оғир шароитда ҳам собитқадамлик билан самарали ишлаш қобилиятини йўқотмаган соғлом кучлар партияда кўплигига ишонаман ва буни биламан. РСФСР, Украина, Белоруссия, Озарбайжоннинг бир қанча вилоятларида шундай кучлар бор. Қозоғистон, Ўрта Осиё жумҳуриятлари Компартиялари дадил ва фаол ишламоқда. Хушомад қилиш ва ўзимга ўзим таскин бериш учун эмас, балки ҳақиқат учун, вазиятга тушмасдан мардона, партиявий тарзда ишлаётган одамларга ва бутун-бутун ташкилотларга одилона баҳо бериш учун бу ҳақда гапиряпман.

Бироқ бу ерда ҳозир ҳам юқоридан қуйигача бутун партиямиз ичидаги энг катта заифлик ҳақида гапирмаса бўлмайди. Биз кенг партияли фаоллар билан ҳам, бутун аҳолининг гуруҳлари билан ҳам ишлашда турмуш жўшқинлигидан орқада қоляпмиз. Натижада ишчилар синфининг сиёсий пешқадами сифатида юзага келган ҳукмрон партияга ялпи ижтимоий танглик шароитида ишчилар ҳаракатининг бир қисми қарши бўлиб қолди. Ана шу ишчилар билан ҳақиқат тилида гаплаштандагина унинг амалий ҳаракатлар изига тушиб олишига, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг фаол қатнашчиси бўлишига ёрдам бериш мумкин. Ишчилар синфининг манфаатларига садоқат ҳақидаги ваъдалар кор қилмайди. Биз ишчиларнинг ишончига тўла-тўкис муносиб бўлишимиз, берилган ваъдани қатъият билан бажаришимиз лозим. Ишчилар ҳаракати сафларига четдан турли-туман сиёсатбозлар кириб олаётганини кўрмаслик ҳам ярамайди, албатта. Ишчилар ҳаракатининг баъзи раҳнамолари ҳам унга фойдадан кўра кўпроқ зиён етказмоқдалар. Биз, коммунистлар ишчилар ҳаракатининг манфаатларини кўзлаб, буни ишчиларга тўғридан-тўғри ва рўй-рост айтишга мажбурмиз. Ниҳоят, сўнггиси. Коммунистлар учун ишчилар ҳаракатида фаол ишлаш — унинг раҳнамолари билан сидқидилдан, қизиқиб, одоб ва сабр-тоқат билан ишлаш демакдир. Уларнинг барча амалий ташаббусларини қўллаб-қувватлаш лозим.

Партия ташкилотлари ва комитетлари партиявий ўртоқлик руҳида зўр ғайрат билан сиёсий ва ташкилотчилик иши олиб бориши орқалигина ҳозирги бениҳоя қийин вазиятдан чиқиб олиш мумкин.

Партиямиз Марказий Комитетининг ушбу Пленумини очиш пайтида сизлар билан ўртоқлашмоқчи бўлган фикрларим ва таклифларим мана шулардан иборат.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг Фармони

Арманистон ССРда қабул қилинган ҳамда жамоат бирлашмаларининг ва фуқароларнинг ҳуқуқларини бузадиган ҳужжатлар ҳақида

Арманистон ССР Олий Кенгаши 1991 йилнинг 6 февралида «Ижтимоий-сиёсий ташкилотлар тўғрисида» Қонун қабул қилди. Шу Қонунга биноан ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ходимлари ва ҳарбий хизматчилар бирон-бир ижтимоий-сиёсий ташкилотнинг аъзолари бўла олмайдилар. Раҳбар идоралари, пул билан таъминлаш ва моддий ёрдам манбалари жумҳуриятдан ташқарида бўлган ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг фаолиятига ижозат берилмайди. Давлат идоралари, муассасалари, ташкилотларида, ўқув юртларида, корхоналарда ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг ички ташкилий тузилмаларини барпо этиш тақиқланади.

Қонунда аслида сиёсий сабабларга кўра, муайян касб билан шуғулланиш тақиқланиши, Умумиттифоқ жамоат бирлашмалари ва ташкилотларининг Арманистон ҳудудидаги фаолияти тўхтатилади. Бу нарса СССР Конституциясининг 34, 39 ва 51-моддаларига, ССР Иттифоқининг халқаро мажбуриятларига зид бўлиб, СССРда тузилган жамоат ташкилотларига нисбатан камситувчи тусдадир.

1991 йилнинг 17 апрелида Арманистон ССР Олий Кенгаши «Арманистон Коммунистик партияси ва собиқ Арманистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқининг мол-мулкини давлат ихтиёрига олиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Мазкур ҳужжат Умумиттифоқ ташкилотлари мол-мулки вужудга келиши манбалари тўғрисида аввал бошданоқ сохта, уйдирма важларга асосланади ва «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги СССР Қонунига, шунингдек, «СССРда мулкчилик тўғрисида»ги СССР Қонунига, ҳамда «Арманистон жумҳуриятида мулкчилик тўғрисида»ги Арманистон ССР Қонунига зиддир. Бу қонунларда жамоат ташкилотларининг мол-мулкини давлат ихтиёрига олиш кўзда тутилмаган. Рўйхатдан ўтказилган КПСС Уставига биноан унинг мулки умумпартиявий бисот ҳисобланади ва республиканинг ҳужжатига биноан тортиб олиниши мумкин эмас.

Арманистон ССР Олий Кенгашининг мазкур қарорини ижро этиш юзасидан республика Вазирлар Кенгаши 1991 йил 18 апрелда қабул қилган қарорда Арманистон ССР Олий Кенгашининг ғайриқонуний ҳужжатини амалга ошириш юзасидан аниқ чоралар кўзда тутилган.

Юқорида баён этилганларни эътиборга олиб, СССР Конституцияси 127/3-моддасининг 1 ва 9-бандларига асосланиб қарор қиламан:

1. СССР Конституциясига ва «ССР Иттифоқи қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатларининг амал қилишини таъминлаш тўғрисида» 1990 йил 24 октябрда қабул қилинган СССР Қонунига биноан Арманистон ССРнинг «Ижтимоий-сиёсий ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни қоидалари ҳамда республика Олий Кенгашининг «Арманистон Коммунистик партиясининг ва собиқ Арманистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқининг мол-мулкини давлат ихтиёрига олиш тўғрисида»ги қарори Умумиттифоқ қонунларига зид ва қабул этилган пайтдан бошлаб ҳуқуқий кучга эга эмас, давлат ва жамоат идоралари, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва фуқаролар томонидан ижро этилиши лозим эмас.

2. Арманистон ССР Вазирлар Кенгашининг «Арманистон Коммунистик партиясининг ва собиқ Арманистон ЛКСМнинг мол-мулкини давлат ихтиёрига олиш тўғрисида»ги 1991 йил 18 апрель қарори СССР Конституциясига ва СССР Қонунларига зид бўлганлиги учун унинг ижроси тўхтатиб қўйилсин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти
М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 23 апрель.

КЕЛИШИШ ЙЎЛЛАРИНИ ИЗЛАБ

24 апрель куни Кремлда СССР Олий Кенгаши Миллатлар Кенгашининг аъзолари миллий тенг ҳуқуқлиликни таъминлаш, совет кўп миллатли давлати умумий манфаатлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда халқларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда Иттифоқ парламенти шу палатасининг вазифасидан тўла фойдаланиш ниятида тўпландилар. Кун тартибига киритилган Жанубий Осетия ва унинг теварагидаги вазиятни нормаллаштириш, Молдова ССРда тотувликка эришиш йўллари ҳақидаги масалалар шу вазифага жуда мос эди.

Мажлисда СССР Конституциявий назорат комитети, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлиги комитети вакиллари, Россия, Грузия парламентларининг депутатлари, Жанубий Осетия жамоатчилигининг вакиллари қатнашдилар.

Р. Н. Нишонов мажлисни очиш чоғида муҳокама қилиш учун киритилаётган масалаларнинг муҳимлигини таъкидлади. У СССР Президентининг тўққиз жумҳурият олий давлат органлари раҳбарлари билан яқинда бўлиб ўтган учрашувининг матбуотда эълон қилинган қўшма баёнотда таърифлаб берилган якунлари кўриб чиқилаётган масалалар билан бевосита боғлиқлигини айтди. Қабул қилинган ҳужжат аслида бутун ўтиш даврига мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ташкилий тадбирларнинг ғоят кенг кўламли ва оператив дастуридир. Вазифа таклиф этилган барча чора-тадбирларни изчиллик билан оғишмай бажаришдан иборат.

Депутатларнинг эътибори учрашув қатнашчилари шу учрашувда қатнашаётган жумҳуриятлар делегациялари томонидан янги Иттифоқ шартномасининг имзоланиши зарурлиги тўғрисида айтган гапларига қаратилди. Шу билан бир пайтда улар Болтиқбўйи жумҳуриятларининг, Молдова, Грузия ва Арманистоннинг шартномага қўшилиш-қўшилмаслиги тўғрисидаги масалани уларнинг ўзлари ҳал этиш ҳуқуқини таъкидладилар ҳамда Иттифоқ шартномасини имзолаган жумҳуриятлар учун, яъни улар барпо этадиган ягона иқтисодий макон доирасида энг қулай режим белгилашни таклиф қилдилар.

СССР Олий Кенгаши Миллатлар Кенгаши Раиси шу муносабат билан СССР Олий Кенгаши Миллатлар Кенгаши номидан Латвия, Литва, Эстония, Молдова, Грузия ва Арманистон парламентлари ва халқларига мурожаат қилиб, уларга ҳамма нарсани яна ўйлаб кўришни, тарихий имкониятни қўлдан бермасликни, ўз манфаатларини кўзлаб ягона Иттифоқ иқтисодий бирлик аъзоси мақоминнинг афзалликларидан фойдаланишни таклиф этиш ўз вақтида қилинган таклиф бўлур эди, деб уқтирди. Бунинг устига Иттифоқдан ажралиш катта қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин. Ҳозир янгиланган Иттифоқ вужудга келтираётган ҳақиқий имкониятлардан фойдаланмаслик оқилона иш бўлмайди. Агар кимдир бозор рақобати уммонида бир ўзи ёлғиз сузиш йўлини танлаб олса, биз кўп нарсага эга бўлмаймиз, балки кўпроқ нарсани йўқотамиз. Бошланаётган рақобат довулларидан биргалашиб ўтиш анча осон бўлади, деди Миллатлар Кенгашининг Раиси.

Сўнгра депутатлар Жанубий Осетиядаги вазиятни муҳокама қилишга киришдилар. Апрель ойининг бошларида музокара олиб бориш учун Тбилисига борган депутатлар гуруҳининг топшириғига биноан А. Г. Баленко сўзга чиқди. У Иттифоқ парламенти аъзоларининг жумҳурият раҳбарлари билан суҳбатлари бўлиб ўтган вазиятни мураккаб вазият деб атади. Шунга қарамай музокаралар протоколи имзоланди, унда минтақада вазиятни изга солишга қаратилган муҳим тадбир қайд этилди. Гап Грузия жумҳурияти раҳбарларининг вазиятни назорат қилиш ва шошилинч чоралар кўриш юзасидан кенг ваколатлар бериладиган парламентлараро комиссия тузишга розилик бергани ҳақида бормоқда. Мунозара қатнашчиларининг фикрича, минтақадаги вазият тўғрисида расмий ахборот бериш ваколати фақат шу комиссияга берилиши томонларнинг бир-бирига қарама-қарши туришини бартараф этиши лозим бўлган ғоят муҳим жиҳатдир.

Тўғри, Тбилисида имзоланган протоколда ушбу комиссия ишида қатнашиш учун уч парламент — Иттифоқ, Россия ва Грузия парламентлари аъзоларини таклиф этиш кўзда тутилган. Бироқ, қўпгина депутатлар шу масалага доир қарорни муҳокама қилиш чоғида комиссияда Жанубий Осетия депутатлар гуруҳи вакиллари иштирок этиши зарур деб талаб қилдилар. Депутатлар Миллатлар Кенгашининг қарорига кўпчилик овоз билан шу тузатишни киритдилар.

Мажлисда парламентлараро комиссия СССР Вазирлар Маҳкамаси яқинда тузган ҳукумат Ишчи гуруҳи билан биргаликда иш бошлаши маълум қилинди, бу Ишчи гуруҳи уч парламент депутатларига бўйсунади.

Кун тартибидаги иккинчи масала — Молдова республикасидаги аҳвол тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш пайшанба кунига кўчирилди.

Н. ЖЕЛЕЗНОВ,
С. ИВАНОВ,
ТАССнинг парламентдаги мухбирлари.

ЖУРНАЛИСТЛАР КОНФЕДЕРАЦИЯСИ ТУЗИЛДИ

24 апрелда СССР Журналистлар уюшмаси съезднинг иккинчи кунида конфедерация асосида СССР Журналистлар уюшмасини тузиш тўғрисидаги шартнома имзоланди. Эндиликда бу ташкилот мустақил журналистлар уюшмаларининг иттифоқидан иборат.

Конфедерация асосидаги СССР Журналистлар уюшмасининг Низоми қабул қилиниши, шубҳасиз, шу кунинг асосий воқеаси бўлди. Бу ҳужжат уюшма журналистикани ҳар томонлама ривожлантириш ва юксалтириш, оммавий ахборот воситалари ходимларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш ишида журналистлар уюшмалари кучғайратларини бирлаштириш ва уларнинг ҳаракатларини жипслаштириш мақсадида тузилган, сиёсий партиялардан мустақил бўлган ва ўзини ўзи бошқарадиган ижодий ташкилотлигини белгилаб беради.

Съезд делегатлари матбуот ходимлари ижодий ташкилоти тузилганидан буён унинг тарихида биринчи марта журналист касб этикаси кодексини тасдиқладилар. Бу ҳужжат журналист фаолияти ижтимоий масъулият, ҳаққонийлик, холислик, виждонан иш тутиш, ҳалоллик, умумбашарий қадриятларни, шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга асосланишини билдиради. СССР Журналистлар фондининг низоми, уюшма фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаб берадиган тўртта дастур ҳам қабул қилинди.

Съездда қоғоз, матбаа хизмати ва матбуотни муштарийларга етказиш нархлари оширилганлиги ошкоралик ва матбуот эркинлигига қилинган ҳужум деб аталди. Балки айни шу сабабли бугунги мажлисда СССР алоқа вазирининг ўринбосари Е. А. Манякин сўзга чиқди.

Раҳбар органлар — Конфедерация кенгаши ва назорат-тафтиш комиссияси тузилди. «Юний техник» журналининг бош муҳаррири В. И. Сухомлинов СССР Журналистлар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари этиб сайланди.

«Журналистнинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш тўғрисида» қарор қабул қилинди.

Съезд шу билан ўз ишини тамомлади.

(ТАСС мухбири).

ИЛМ-ФАН ЗАҲМАТКАШЛАРИ



ЗУККО ОЛИМ, МЕҲРБАХШ ИНСОН

ҲАЁТДА кўп кузатганман. Шундай инсонлар бўладики, биронта яхшилик қилишдан ўзи олам-олам баҳра олади. Кўп йилларда буён илм-фан соҳасида фидоийлик кўрсатиб келаётган заҳматкаш олим, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Мирхожи Асқаров ана шундай буюк фазилатли кишилар тоифасидан. Уни таниганлар, билганлар билан суҳбатлашиб қолгудек бўлсангиз ўта камтарлиги, ширинсўзлиги, ёшларга меҳрибонлиги, оилада ҳам, иш жамоасида ҳам бирдек юксак одоб эгаси эканлигини алоҳида тилга оладилар.

Бу етук истеъдод эгаси ҳақида ёзар эканман, машҳур адиблардан бирининг қуйидаги сўзлари ёдимга тушади. У шундай деган эди: «Олов шоирлар бор, иссиқ шоирлар ҳам мавжуд. Оловни бир зумда ўчириш мумкин, иссиқликни ўчириб бўлмайди. У ўзини секин сарфласа-да доим инсонларни иситиб, атрофга ҳам иссиқлик бериб туради».

Ҳамиша изланувчан, каттаю-кичикка ёрдамга шай Мирхожи Асқаров ҳам худди ана шундай атрофга иссиқлик бериб турувчи дилкаш, ишчан ва билимдон инсон сифатида эл ҳурматига сазовор.

Олимнинг ҳаёт йўли, фаолияти ўзи каби кўплаб таниқли кишилар никига ўхшаш. У пойтахтимизнинг Эски шаҳридаги кўп болали ҳонадонда вояга етди. Ўрта мактабда бошқа фанларга қараганда кимёни кўпроқ севиб ўқиди. Унга астойдил иштиёқ қўйди. Ана шу ҳавас ўнинчи синфни битиргач ёш йигитчани олий мактабга етаклади. Кўп ўтмай Москвадан хат йўллаб, ота-онасига енгил саноат технологияси олий билимгоҳига кириб олганлигини маълум қилди. 1953 йилда уни муваффақиятли битириб, шу ердаги Д. И. Менделеев номли Москва кимё технология олий билимгоҳи аспирантурасида илм олишни давом эттирди. Бу йиллар илмий ходим Асқаров учун олтинга тенг давр бўлди. У фақат билим олиш, тажрибалар ўтказиш эмас, шу билан бирга ҳаётни ҳам ўрганди. Кимё, айниқса, юқори молекулали бирикмалар кимёси бўйича тадқиқот қилувчи буюк олимлар билан ота-боладек бўлиб кетди, улар доирасига кириб олди. У вақтда кўпроқ чарм ошловчи моддалар технологияси ёш олимни қизиқтирар, бу соҳада тадқиқотлар қилар эди. Унинг раҳбари Иван Платонович Лосев ёш олимни фақат табиий полимерларгагина эмас, балки синтетик юқори молекулали бирикмалар кимёси ва физикасига қўл уришга, бу соҳада заминдор изланишлар олиб боришга ундади. Мирҳожи Асқаровдан сўнг юзлаб ўзбек йигит-қизлари Москвага ўқишга боришди, айниқса, Асқаров сафдошлари ўзларининг одоби, маданияти, меҳнаткашлиги билан ўрнак кўрсатиб, ёш ўзбек изланувчиларига Москва дарвозасини очиб беришди.

Эндиликда 50—60 йилларда сочилган уруғ ўз мевасини бермоқда. Мирҳожи ака сафдошлари, унинг издошлари ҳозирда фан докторлари, профессорлар, фан арбоблари, фанлар академиясининг мухбир ва ҳақиқий аъзоларидир.

Мирҳожи Асқаров ўзбеклар учун чет эл дарвозасини ҳам биринчилар қатори очиб берди. У 1963 йилда Англиянинг университетига йўлланма олди, қарийб бир йил давомида тадқиқотлар қилиб, чет эл илмий мактаблари билан танишиб, тил ўрганиб, дўстлар орттирди. М. Асқаров бу соҳада ҳам ўзбек олимларига бир дарға бўлди.

Жаҳонга таниқли олим М. Асқаров кейинчалик АҚШ, Франция, Испания, Голландия, Исландия, Югославия, Венгрия каби хорижий мамлакатларда бўлиб, ўзбек ва совет фанининг ютуқларини намойиш этди. М. Асқаров ҳар чет эл саёҳатидан сўнг ўз олган билимини, тажрибасини ёшларга улашар, илмий мактабини чет эл даражасига етказишга интилар эди. 26 ёшида фан номзоди ва 36 ёшида фан доктори унвонига эришган М. Асқаровнинг арилалифатик полимерлар, янги винил мономерлари ва полимерлари, пахта целлюлозасининг модификацияси, сополимерлар асосида олинган янги материаллар ҳақидаги изланишлари, бир қанча китоблари, 500 дан зиёд илмий рисолалари катта олим сифатида унинг довруғини кенг ёйди. Ихтироларига юксак баҳо берилди. М. Асқаровни серҳосил мевали дарахтга ўхшатиш мумкин. У 10 нафар фан доктори ва 75 нафар фан номзодларини тайёрлади. Олим кўплаб дарсликлар яратди. Монографиялар, қатор китоблар муаллифи сифатида танилди. Ўндан ортиқ авторлик гувоҳномасига эга бўлди.

М. Асқаров жонкуяр ташкилотчи ҳамдир. У 31 ёшида Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси полимерлар кимёси институтига директор қилиб сайланди. М. Асқаров ташаббуси билан Тошкент политехника ва Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати олий билимгоҳларида полимерлар бўйича муаммо лабораторияларини очилди. Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси кимё институтининг энг гуллаб яшнаган даври — 1972—1982 йиллари — бу институтга М. Асқаров директорлик қилган давр ҳисобланади. Ҳозирда М. Асқаров академиянинг полимер кимёси ва физикаси институти директоридир.

М. Асқаровни йирик жамоатчи арбоб ҳам дейиш мумкин. У қарийб 10 йил Д. И. Менделеев номли Бутуниттифоқ кимёгарлар жамиятининг Ўзбекистон шўъбаси раиси, Тошкентда ўтказилган «Макро-78» Халқаро илмий анжуман ташаббускорларидан бири, СССР — АҚШ дўстлик жамиятининг Тошкент шўъбаси раиси, Ўзбекистон Ленинчи Ёшлар уюшмаси қошидаги кимё бўйича кичик академия президенти, Совет тинчлик қўмитаси Ўзбекистон правлениесининг аъзоси, «Фан ва турмуш» ойномасининг редактор ўринбосари, Ўзбекистон Коммунистик партияси Октябрь тумани бюроси аъзоси сифатида салмоқли ишларни амалга оширди. Унинг шогирдлари орасида, ёш олимлар даврасида обрў-эътибори жуда юксак. М. Асқаров бошига бироз қора булут тўпланганда ҳам унинг шогирдлари доим атрофида бўлиб, олим шаънига гард юқтирмасликка, соғлиғининг атрофида қалқон бўлиб туришга интилдилар.

М. Асқаров миллий ифтихори юксак, ўз халқини, туғилиб ўсган диёрини фахр билан севувчи инсон. Лекин унинг қалби ниҳоятда кенг, унинг шогирдлари орасида руслар, яҳудийлар, қозоқ ва қирғиз, корейс ва грек, тожик ва украин бор. Унинг шогирдлари жумҳуриятимизнинг ҳар бир вилоятида, ҳар бир олий ўқув юртида бор десак янглишмаймиз. Ушбу сатрлар устоз Асқаровнинг Тошкент фармацевтика олий билимгоҳидаги миннатдор издошлари номидан ёзилаяпти.

Домланинг рафиқалари Раъно Миркомилова врач бўлиб хизмат қиладилар. У киши Мирҳожи аканинг саломатлиги, тинчлиги ва ижодий ютуқларининг посбони. Қизлари Дилором, Жамилахон ва Маъруфжонлар ота изидан бориб кимёгарлик касбини танлашган ва улар ҳам илмий иш билан шуғулланишади.

М. Асқаровнинг давлат томонидан берилган мукофотлари кўп эмас, унинг энг юксак мукофоти халқ эътибори, шогирдлари томонидан қадрланишидир. У АҚШнинг Детройт ва Миниаполис-Сентпол шаҳарлари фахрий фуқаролигига қабул қилинган. Бу обрў-эътиборга М. Асқаров юксак истеъдоди, сидқидилдан қилган меҳнати ва одамийлиги билан эришди.

Бугун Мирҳожи Асқаров 60 ёшда. Қутлуғ довонга эришиш йўлида машаққатли ва шарафли йўлни босиб ўтган устозни чин дилдан қутлаймиз.

С. АМИНОВ,
Тошкент фармацевтика олий билимгоҳи илмий ишлар бўйича ректор ўринбосари, кимё фанлари доктори, профессор.